


ОДИЛ ЁҚУБОВ

# ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

(Ҳиноялар)



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1966





## ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Дардан кейин мени бош вожатий ўз кабинетига чақириб, мактаб комсомол ташкилотининг қарорини ўқиб берди. Мени 5-нчи „Б“ синфининг Олег Кошевой номли пионер отрядига вожатий қилиб тайинлаштипти.

Комсомол комитетининг секретари Каримжон ака ҳаяжонланиб кетганимни сизди шекилли, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайди.

— Юрагинг дов бермаяптими?— деб сўради у секин.

Ерга тикилиб ўйланиб қолдим. Мен комсомол сафига бултур кирганман. Ҳали отряд вожатийси бўлиб ишлаб кўрмаганман. Тажрибам йўқ. Шунини айтмоқчи бўлдим-у, лекин индамадим. Нега десангиз, комсомолга кирганимдан бери бирорта мас'улиятли вазифада ишлаганим орзу қилардим. Жуда ҳам орзу қилардим.

— Кўрқма, Сайёра, эплаб кетасан, — деди Каримжон ака. — Рост, бу отряд орқада қолаяпти. Синфда интизом наст. Ўзлаштиролмаётганлар ҳам бор. Қисқаси, қаттиқ

ишлашга тўғри келади. Лекин... вазифани бажараоли-  
шингга ишонаман.

— Ҳартарафлама ёрдам берамиз, эплаб кетасан! —  
деди бошвожатий ҳам.

У отряд пионерларининг рўйхатини берди. Эртага  
пионерлар блан танишиш кераклигини айтди.

Бошвожатийнинг кабинетидан чиққанымда жуда  
ҳаяжонланаётган бўлсам ҳам ичимда хурсанд эдим.  
Менга шундай мас'улиятли вазифани топширганлари  
учун мағрур ҳам эдим. Фақат: „Эплайоламанми? Бола-  
лар блан дўстлашиб кетаоламанми, йўқми?“ деган са-  
воллар менга тинчлик бермасди.

Ростини айтсам, отряд вожатийси бўлишимни ўтган  
йили комсомол сафига кирганимлаёқ билганман. Ҳатто  
бир йилдан бери тайёрланиб ҳам келардим. Қандай  
қилиб дейсизми? Бунинг учун мен вожатийларнинг иш  
тажрибаси ҳақида ёзилган анча китобларни ўқиб чиқ-  
дим. Педагог-ёзучи Макаренконинг китобларини ўн  
марталаб ўқигандирман. Михаил Иванович Калининнинг  
ёшларни коммунистик руҳла тарбиялаш ҳақидаги ки-  
тобини эса сра қўлдан қўймайман.

Вожатийлик қилаётган ўртоқларим блан тез-тез  
гаплашиб тураман. Уларнинг ишини кузатиб бораман...  
Умуман, чинлан ҳам анча нарсани ўргандим, шекилли...  
Шунга қарамасдан бош вожатийнинг хабари мени шо-  
шириб қўйди. Ахир бу жуда жиддий вазифа-да! Тўғри,  
Каримжон ака айтгандек, қаттиқ ишлашга тўғри кела-  
ди. Ўтгиздан ошиқ шўх бола блан иш олиб бориш,  
улар блан дўстлашиб кетиш ҳазилакам эмас!

Уйга келгач, овқатланиб бўлиб ишга киришдим.  
Олдин рўйхатни ўқиб чиқдим. Отряд советининг раиси  
Ра'но Воҳидова экан. Уни биламан. Яхши қиз. А'лочи.  
Звено бошлиқларидан иккитаси ўғил бола, учинчиси  
қиз. Рўйхатдаги ба'зи исмларнинг қаршисига ғалати  
сўзлар ёзилган эди: „Исомов Аҳмад — жуда шўх. Дарс  
вақтида тинч ўтирмайди“. „Ботирова Ҳалима — ўқишда

бўшроқ. Айниқса арифметика билан географиядан оқсайди. Ёрдамга муҳтож". „Зуннунов Анвар — интизомсиз, ўқишдан кўра футболни кўпроқ севали"...

Юрагимдаги шубҳа яна кучайди. Ўйга чумдим.

Мен эртага бўладиган биринчи учрашувнинг аҳамияти катта эканини билардим. Чунки яхши вожатий бўлиш учун биринчи кунданоқ болаларнинг юрагида ўзимга ишонч уйғатаолишим керак. Лекин бу ишонч қандай қилиб уйғотаман?..

Ёдимга негадир Каримжон ака тушди. Мен унинг биринчи марта бизга вожатий бўлиб келганида ўзини қандай тутгани, нима ишлар қилганини эслайбошладим.

Ёдимда: у синфга кулиб кирди. Ўзини жуда содда тутди, қизиқ сўзлар айтиб ҳаммамизни кулдирди. Кейин болаларнинг ҳаммасини ишга жалб қилиб, шундай қизиқтириб қўйдикки, уни дарров яхши кўриб қолдик...

Албатта, Каримжон ака бошқа, мен бошқа. У жуда ақлли, ўзи спортчи. Болалар эса спортчиларни яхши кўрадилар. Ундан кейин тажрибаси ҳам катта. Мен бўлсам ҳали тажрибасизман, ёшман. Болалар менга бўйсунитармикин? Эртага сўзимга қулоқ солмасдан тўполон қилишса нима дейман?... Йўқ, йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас. Ахир мен астойдил ишламоқчиман-ку! Шу тилагимни амалда кўрсатаолишим керак. Сўз билан эмас, амалда кўрсатишим керак.

Мен келажакда қиладиган ишларим ҳақида узоқ ўйладим. Яхши ҳам кечқурун радио футбол-матч репортажини эшитдирди. Мен футболни жуда яхши кўраман. Агар ўғил бола бўлганимда албатта футболчи бўлардим.

Репортаж шунчалик қизиқ бўлдики, мен отрядни унутиб, уйқуга кетгунча футбол тўғрисида ўйлабман.

\* \* \*

Эрталаб атайин спорт костюминини кийдим. Комсомол значогимини тақдим.

Мактабга кетишда папкамга Михаил Иванович Калининнинг „Коммунистик ахлоқ“ деган ажойиб китобчасини ҳам солиб олдим. У менга далда берар, юрагимда қандайдир ишонч туғдирар эди.

Мактабда жуда ҳаяжонланиб юрдим. Менга вожатий булганимни худди ҳамма биладигандек, ҳамма фақат шу тўғрида гаплашаётгандек туюларди.

Дарсдан кейин Каримжон ака икковимиз синфга кирдик. Бизни яхши қарши олишди. Болалар ўринларидан турдилар. Ра'но рапорт берди.

Мен болаларга тик қарашга нечुकдир ийманар эдим, юрагим қаттиқ урар, юзим анордек қизариб кетган эди. Болалар эса шўх кўзларини мендан узмасдан тикилиб қолдилар.

Олдинги парталарда қизлар блан бўйи пастроқ ўгил болалар ўтирарди. Мен дарров Анвар блан Аҳмадни қидирдим. Улар орқа томонда эдилар.

Каримжон ака мени болалар блан таништирди. Синфдаги камчиликларнинг йўқотилишига, бу йил энг яхши отрядлар қаторидан жой олишимизга ишонч билдирди. Кейин „Дадил бул, Сайёра!“ дегандек кўзи блан имо қилиб, жилмайди-да чиқиб кетди.

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, нима дейишимни, гапни нимадан бошлашимни билмай қолдим. Болалар буни дарров пайқашган бўлса керак, бир минутгина олдин менга жимгина тикилиб қолган ўттиз жуфт кўздан бирдан шўх учқунлар чақнади. Орқадан „пиқ“ этган кулги эшитилди. Аҳмад бўлса:

— Бизга вожатий сиз бўлибсиз-да, Сайёра опа!— деди афсусланиб.

— Шундай ҳам вожатий бўларкан... Каримадан ҳам кичкина-ку!— деди Анвар.

Орқада ўтирган болалар кулиб юбордилар. Кулги кучайиб кетиши хавфи бор эди. Мен буни дарров сезиб:

— Ўртоқлар, интизомни сақланглар!— дедим қошла-

римни чимирганимча.—Шунчалик ҳам ҳурматсизлик бўладими?

Қизиқ, ўзимни жиддий тутиб гапирган бўлсам ҳам сўзларим нима учундир болаларга та'сир қилмади. Орқада ўтирган Анвар блан унинг шериклари эса, яна қаттиқроқ кулдилар. Тўсатдан Анвар қўлини кўтариб қолди.

— Нима дейсиз, ўртоқ Зуннунов?— деб сўрадим.

— Учар балиқлар ҳам бўлар эмиш-а? Агар шу рост бўлса, қайси денгизда яшайди улар?— деди Анвар. Унинг юмалоқ қора кўзларида, лабининг четида кулги аломатлари кўринди.

Ростини айтсам, мен шошиб қолдим. Чунки қанотлик балиқлар бор эканлигини эшитган эдим-у, лекин уларнинг қайси денгизда яшашини билмас эдим,

— Бу саволни нега бердингиз?— дедим тушунмасдан.— Ҳозир ўрни эмас-ку!

— Айтиб берақолинг!— деди Анвар.

Мен: „Ҳянд океанда яшайди, деяқолсаммикин? “деб ўйладим-у, лекин бу фикримдан қайтдим, чунки шу вақт Михаил Иванович Калининнинг ростгўй бўлиш тўғрисидаги сўзларини эслаб қолдим; унинг болалар ба'зида ўқитучини синаб кўриш учун атайин шундай саволлар бериши ҳақида айтган сўзлари ёдимга тушди.

Шу вақт Михаил Иванович Калининдан қандай миннатдор бўлганимни билсангиз эди! Унинг доно сўзлари мени нотўғри қадам қўйишдан сақлаб қолди. Авварнинг мақсадига ҳам тушундим: у мени синямоқчи эди.

Мен Михаил Иванович Калининнинг ажойиб китобчасини ихтиёрсиз равишда кўксимга маҳкам босиб:

— Ўртоқ Зуннунов!— дедим ишонч блан.— Қанотлик балиқлар бўлиши рост. Броқ уларнинг қайси денгизда яшашини билмайман. Агар жуда қизиқсангиз, саволингизга эртага жавоб бераман...

Анвар „яхши“ дегандек бош силкитди. Лекин ўтираётди:

— Вой, шуни ҳам билмас эканлар а!...— деди.

Кўпчилик болалар Анварнинг кулгисига негадир қўшилмадилар. Бу мени севинтирди. Синфдаги шов-шув ҳам анча пасайди. Фақат Анвар блан унинг ёнидаги болаларгина мени менсимагандек шўхликларини давом этдиришарди. Уларни ҳам интизомга бўйсундирish керак эди.

Тўсатдан миямга бир фикр келди. Мен уларнинг шов-шувини босиш учун атайин баланд овоз блан:

— Болалар, отрядимизда футболчилар борми?— деб сўрадим.

— Нима қилди?— деди Анвар.

— Ўзимиз команда тузамиз,— дедим.

— Ростданми?— Анварнинг овозидан унинг шубҳаланаётгани сезилиб турарди. У менинг футбол ўйинидан хабардор эканлигимга ишонмас эди.

— Болалар, ўзимиз команда тузамиз,— дедим мен сўзимни такрорлаб ва болаларда шубҳа қолдирмаслик учун футбол терминларини ишлатиб, сўзимда давом этдим:— Қани, ким марказий ҳужумчи бўлади? Ким ҳимоячи бўлиб ўйнаган? Дарвозабонликка ким уста?

Болалар таажжубланишди. Лекин бир минутдан кейин қий-чув бошланиб кетди. Қувончли овозлар эшитилди. Мен қўлимни кўтариб:

— Болалар, навбат блан гапириш керак!— дедим.

Болалар итоаткорлик блан жим бўлишди.

— Анвар, — дедим мен атайин унга мурожаат қилиб, — команда тузишни сенга топшираман. Шунисини айтиб қўяйки, командага дарсни ўзлаштираолмаётган, интизоми паст болаларни қабул қилмайсан. Ҳатто у яхши футболчи бўлса ҳам қабул қилма.. Эртага дарсдан кейин рўйхатни менга топширасан, хўпми?

Анвар бош силкитди. Мен унинг қизариб кетганини сезсам ҳам ўзимни билмасликка солдим.

Энди суҳбатни бошлаш мумкин эди. Мен, Карим жон ака маслаҳат берганидек, олдин рўйхатни олиб



ҳарбир пионер блан алоҳида танишиб чиқдим. Кейин қилинадиган ишларга ўтдим. Лекин бу тўғрида кўп гапирмадим. Нега десангиз, болаларнинг қуруқ гапга ишонмасликларини яхши билардим. Мен ишни яхши бяр деворий газета чиқаришдан бошлашни таклиф қилдим.

— Редколлегия сайланганми?

— Сайланган,— деди Ра'но,— броқ яхши рассомимиз йўқ.

— Наҳотки бутун бошли синфда расм солишни билладиган ўқучи бўлмаса?

— Аҳмад-чи?— деди кимдир.

— Аҳмад интизомсиз,— деди Ра'но,— уни сайлаб бўлмайди!

Аҳмад четга қаради. Мен унинг қулоқлари шолғомдек қизариб кетганини кўриб, ҳеч тараддудланмасдан:

— Болалар, менингча, Аҳмад бундан кейин интизомли бўлади, уни сайлашимиз мумкин,— дедим ишонч блан.

— Тўғри, ўртоқ вожатий!

— Сайлаймиз!

Энди фақат иш планини тузиш қолди. Мен звено бошлиқлари блан Ра'нодан ташқари ҳамма болаларга кетишга рухсат бердим. Ўзим эса, ичимда энди нима бўлар экан деб кутиб турдим. Мен янглишмаган эканман: болалар синфдан чиқиб кетаётиб, мен блан самимий хайрлашдилар. Юрагим севинчга тўлди. „Энг қийини ўтди, эндигиси ҳеч гап эмас!“— деб ўйладим мен.

Иш планини тахминан тузиб бўлгач, звено бошлиқлари ҳам тарқалишди, мен комсомол комитетига кириб, кейинроқ чиқдим. Ҳовлида, гулзор ўртасидаги фонтан ёнида бир тўп болалар қизғин бахслашмоқда эдилар. Болалар мен тўғримда гаплашаётганини сезиб, ихтиёрсиз равишда қадамимни секинлаштирдим.

— Қиз булса ҳам футбол ўйинини яхши билар экан-а?— деди болалардан бири.

— Анварни боплади!— деди иккинчиси.

Учинчиси эса:

— Шунчаки айтди қўйди-да!— деб кулди.

— Рост, ҳамма вожатийлар бошда шундай қилади-ю, кейин...

— Тшш... келаяпти!

Мен тўсатдан жим бўлиб қолган болалар ёнидан ўтиб, кўчага чиқдим.

— Йўқ, энг қийини ҳали олдинда! Айтилган сўзнинг устидан чиқмасдан туриб, бу болалар блан дўст-ляшиб олиш қийин!



Эртасига синф раҳбари Нафиса опа блан танишдим. Нафиса опа институтни шу йил тамомлаган ёш ўқитучи экан. Унинг ҳам кўкрагида комсомол значоги бор эди.

Мен уни бирпасдаёқ севиб қолдим. Чунки унинг катта-катта қўнғир кўзларида, мулоий кулимсираб гапиришида чуқур самимийлик сезилиб турарди.

Мен унга болалар блан қандай танишганлигимни гапириб бердим. Бу Нафиса опага жуда ёқди. Михаил Иванович Калининнинг ростгўйлик тўғрисидаги сўзларини жуда тўғри тушунганимни айтди. У менинг ишни деворий газетадан бошламоқчи эканимни ҳам, футбол командаси тузмоқчи бўлганимни ҳам — ҳаммасини тўғри деб топди. Унга Аҳмадни редколлегия а'золигига сайлаганимиз айниқса ма'қул бўлди.

— Жуда соз, Сайёрахон,— деди Нафиса опа қўлимни олиб,— бирга ишлашамиз!

Шу гапдан кейин ўзимда янги куч пайдо бўлганимни сездим, ишончим ошди.

Дарсдан сўнг мен редколлегия а'золарини тўплаб, энди гаплашмоқчи бўлиб турган эдим, қаёқдандир Анвар келиб қолди. У жуда хурсанд эди.

— Уртоқ вожатий, буйруғингиз бажарилди!— деди

Ю

у ҳарбийлардек кўкрагини кериб.— Мана рўйхат. Команда сизни залда кутиб турипти.

Анварнинг топширилган вазифани шундай тез бажаргани мени ҳайрон қолдирди. Ҳаммамиз залга чиқдик.

Команда худди ўйинга тайёрлангандек сафга тизилган эди. Сафнинг бошида узун бўйли Собир — дарвозабон, энг охирида ўрта бўйли, лекин елкаларининг кенглигидан юмюмалоқ бўлиб кўринадиган Жалил турарди. Мен рўйхатга кўз ташладим. Унда Жалил ярим ҳимоячи дейилган эди. Умуман, вазифаларнинг ҳаммаси тақсимланган, фақат команданинг капитани белгиланмаган эди. Мен Анварнинг капитан бўлмоқчи эканини дарров сездим. Хаёлимдан: „Нима қилиш керак? Уни капитан қилиб тайинласак, ўқишни унутиб қўямасмикин?“ деган фикр ўтди.

— Ким капитан бўлаолади?— дедим ўзимни билмасликка солиб.

Болалар бир-бирларига қарадилар.

— Анвар бўлиши керак, албатта!— деди Собир.

— Яхши,— дедим мен.— Тўп борми?

— Бўлмасам-чи!— деди Анвар севиниб кетиб.— Ҳозироқ машқни бошлаб юборамиз.

Футболчиларнинг орқасидан қараб қолган Аҳмад:

— Анвар қойил қилади!— деди.

— У футболни қойил қилса, сен газетани қойил қил, Аҳмад!— дедим мен.

Қоғоз тайёр, рассом бор, энди фақат материал тўлаш қолган эди. Мен камчиликларни очиб ташлайдиган танқидий материалларни кўпроқ излашни таклиф қилдим. Аҳмад ҳам:

— Тўғри, кўпроқ танқид қилиш керак!— деб фикримни қувватлади.

Газетани ҳафтанинг тўртинчи куни тайёр қилиб, олтинчи куни ошишга қарор қилдик.

Шу куни уйга кетаётиб Павлик Морозов номидаги пионер отрядининг вожатийси Қодирни учратдим.

— Сайёра, мен сени қидириб юрган эдим,— деди Қодир.

— Нима гап?

— Сен футбол командаси ташкил қилган эмишсан, ростми?

— Рост!

— Молодец, Сайёра!— деди Қодир.— Жуда яхши нш қилибсан.

— Яхши эканини сен айтмасанг ҳам биламан,— дедим кулиб.

— Ҳали ҳам мақтамоқчи эмасман. Мен фақат дам олиш кунни сенинг команданг блан дўстона учрашув ўтказсак деган эдим.

— Эҳа, бизнинг болалар энди машқ қилабошладди-ку!— дедим кўнмасдан, лекив Қодирнинг хафа бўлганини сезиб, болалар блан гаплашиб кўришга ва'да қилдим.

Болалар бу хабарни шодлик блан қарши олишди.

— Қурқманг, ўртоқ вожатий, бўш келмаймиз!— деди Анвар.

— Ростданми?— дедим ишонмасдан.— Кейин уялиб қолмайлик?

— Йўқ, уялиб қолмаймиз!— дейишди болалар.

Шунда ҳам ишонгим келмасдан улар блан бирга спорт майдончасига бориб, ўйинларини кўрдим. Анча дуруст ўйнашар экан. Менга айниқса Анвар блан ярим ҳимоячи Жалилнинг ўйинлари ёқди. Анвар жуда тез югурар, қарши томондаги ўйинчиларга тўпни бермас, шу блан бирга бир узни ўйнамасдан, тўпни ўз командасидагиларга ҳам тез-тез узатиб турар эди...

Уйга кетаётиб футболчилар сўғрисида газетага битта мақола ёзишни ўйлаб қўйдим.

Газетага йиғилган материалларни кўриб чиқиш учун сешанба кунни яна тўпландик. Фақат Аҳмад келмали.

— Аҳмад мақола йўқлигини эшитиб кетиб қолди,— деди Ра'но.

— Нега мақола йўқ?— делим ҳайрон бўлиб.— Битта ҳам мақола йўқми? Наҳотки синфда ҳеч камчилик бўлмаса? Дарсга кечикиб келучилар, уйга берилган вазифани бажармасдан келадиган дангасалар, интизомни бузучилар йўқми? Битта ҳам йўқми-а?

— Бор, албатта,— деди Ра'но,— масалан, иккинчи звенодаги Шарифа... У доим дарсга кечикиб келади.

— Агар редколлегия а'зосининг ўзи интизомни бузучи бўлса-чи?— деб сўради Шарофат.

— Масалан ким?

— Аҳмад. У бугун тарих дарсида қоғоздан қуш ясаб, учуриб ўйнади. Болаларни кулдириб дарсга ҳалақит берди.

— Бу жуда яхши материал-ку!— дедим мен.— Аҳмад бошқаларнинг суратини бошлашдан кўра ўзининг суратини бошласин!

Фактлар топилгач, мақола ва хабарларни кечқурун-гача ёзиб тамомладик. Кейин ҳаммасини Навфиса опага олиб бориб кўрсатдик. У газетанинг мазмунини дуруст деб топди, лекин муваффақиятларни ҳам кўрсатиш кераклигини айтди. Бошмақолани ўзи ёзиб берадиган бўлди.

Эрталаб мен Ра'но қидириб келди. Унинг нимадан-дир жаҳли чиққани билиниб турарди: юзи қизариб кетган, қора кўзлари чақнар эди.

— Сайёра опа-чи, Сайёра опа, Аҳмад ўзимнинг расмимни солмайман, деяпти!

— Нега?

— Қайдам...— деди Ра'но.— Агар, дейди, бу мақола босиладиган бўлса, дейди, газетада ишламайман, дейди.

— Яхши, кўрамиз, — дедим бошқа нима дейишимни билмасдан.— Аҳмадга айт, дарсдан кейин кетиб қолмасин.

Редколлегия учинчи марта йиғилишга мажбур бўлди. Мен тўғридан-тўғри Аҳмадга мурожаат қилиб:

— Сен ўзинг тўғрида ёзилган мақоланинг бо-  
сиялишига қарши эмишсан, шу ростми? — деб сў-  
радим.

— Рост, албатта, — деди Аҳмад.

— Нега қаршисан?

Аҳмад юзимга тикилди. Унинг кўзларида самимий  
таажжуб ифодаси кўринди:

— Чунки... Редколлегия а'зоси тўғрисида ҳам шунақа  
мақола ёзиладими? — деди Аҳмад. — Унда менинг об-  
руйим қолмайди-ку!

Мен ўзимни кулгидан зўрға тўхтатдим.

— Сен ўа-ўзини танқид деган нарсани эшитганми-  
сан? — деб сўрадим.

— Эшитганман, — деди Аҳмад.

— Эшитган бўлсанг, бундай қилмас эдинг.

Аҳмад ўрнидан турди.

— Майли, босаверинглар, — деди у бирдан жаҳли  
чиқиб. — Лекин мен газетангизда ишламайман.

Мен ҳам ўримдан турдим.

— Яхши, — дедим секин, — агар танқиддан шунча-  
лик қўрқсанг, мақолани босмаслигимиз ҳам мумкин...  
Шунисини айтайки, мен сени шунчалик қўрқоқ деб  
ўйламаган эдим, Аҳмад.

Аҳмад ялт этиб қарадию, лекин юзи чидамасдан  
четга тикилди. Унинг қулоқлари лоладек қизарган  
эди.

— Ҳечким қўрқоқ эмас! — деб гудурлади у.

— Шундай дегин... Қани, бўлмаса айтгин-чи, — де-  
дим мен, — айб қилиб қўйиб, уни бўйнига олгиси кел-  
маган одамни қўрқоқ демасдан, ботир десак бўладими?..  
Лекин ростини айт!

Аҳмад индамади. Фақат қулоқлари баттар қизариб  
кетди.

— Ра'но, — дедим мен, — мақолаларни Аҳмадга бер,  
расм солаверсин. Аҳмад ҳақида ёзилган мақолани мен-  
га бер.

— Йўқ! — деди Аҳмад бирдан кўзларимга дадил тикилиб. Унинг қорачадан келган юзи қипқизил бўлиб ёнар, қўй кўзлари мағрур чақнаб турар эди.

— Уни ҳам беравер, Ра'но. Мен қўрқоқ ямасман. Мен... мен айб қилсам, бўйнимга олишдан қўрқмайман.

Мен ўзимни тўтолмасдан:

— Молодец, Аҳмад! — деб қичқириб юбордим.

Ра'но мақолаларни унга узатар экан:

— Ўзингнинг суратингни қандай қилиб соласан? — деб кулди.

— Буни ўзим биламан! — деди Аҳмад, энсаси қотгандай.

Уларни синфда қолдириб, Анварларнинг ўйинини кўриш учун спорт майдончасига кетдим.

Футболчиларнинг бугунги ўйини менга яна ҳам ёқди. Анварнинг яхши ташкилотчи эканига батамом ишондим. Броқ, афсуски, футболчилар тўғрисидаги мақолани босолмадик. Нега десангиз — эртаси кун Анвар олтинчи соатдан сўрамай кетиб қолипти. Сабабини суриштирсам, янги тўп сотиб олиш учун магазинга кетган экан. „Нима қилиш керак? — мен ўйланиб қолдим. — Биринчи марта-ку бу, кечирсаммикин? — Йўқ, — дедим ўйимда, — бундай интизомсизлик блан биринчи қадамдан курашмаса бўлмайди“.

Мен кечаси ёзган мақоламни йиртиб ташлаб, бошқа мақола ёздим. Аҳмад карикатура ишлади. Расмда деразадан сакраб тушган Анвар бошидан учиб тушган дўпписига, сочилиб кетган китобларига ҳам қарамасдан қочиб борарди.

Аҳмад мардлик қилди, у ўзининг расмини ҳам ишлади.

Расмда у партанинг тагига яшириниб олиб, қоғоз қуш учирмоқда эди... Умуман айтганда, газета ёмон чиқмади. Фақат Анваргина газетага яқин желмасдан четроқда юрарди.

„Мақола қаттиқ та'сир қилганга ўхшайди“ — деб ўйладим ичимда.

Дарсдан кейин синфга кириб, эртага Павлик Морозов номидаги отряднинг футбол командаси билан дўстона учрашув бўлишини айтдим, отряддаги ҳамма пионерларнинг спорт майдончасига келишларини сўрадим. Болалар бу хабарни зўр хурсандлик билан қарши олишди. Брок шу вақт нима бўлди денг? — Командамизнинг капитани, умидимиз ва фахримиз бўлган Анвар ўрнидан туриб, ўйинга қатнашмаслигини қат'ий равишда э'лон қилди.

Болалар албатта, унга ёлворабошладилар.

— Анвар, сен бўлмасанг ютқазиб қўямиз! — деди Жалил.

Анвар худди шуни кутиб тургандай:

— Нега бўлмаса газетага ёзадилар? Нима, мен дарсдан ўзим учун кетибманми? — деди.

Ҳамма болалар бирдан менга қарашди. Мас'улиятли бир пайт келганини сездим. Чунки менга тикилган шўх кўзларда „Анвар чиндан ҳам ўзи учун қилмаган-ку! Нега ёзасиз?“ деган саволни кўрдим.

Мен ҳаяжонланаётганимни сездирмаслик учун паст овоз билан:

— Сен тўп олиш учун дарсдан сўроқсиз кетиб, интизомни қаттиқ буздинг, Анвар, — дедим. — Шуни бўйнингга оласанми?

— Мен ўзим учун эмас...

— Йўқ, жамоат иши дарсга халал бериши керак эмас... — дедим мен, — қани жавоб бер, интизомни бузганингни бўйнингга оласанми?

— Оламан, — деди Анвар секин.

— Демак, газетадаги танқид ҳам тўғри экан. Шундайми?.. Нега бўлмаса, интизомингни тузатиш ўрнига, ўйинга қатнашмайман деб ёш боладек араалаб ўтирибсан? Уялмайсанми?

Болалар ялт этиб яна унга қарадилар.



— Ҳайнамайман дедимми — Ҳайнамайман! — секин, лекин ужарлик блан такрорлади Анвар.

Бирдан синфда чуқур жимлик чўкди. Мен нима дейишни ўйлаб, бирпас жим турдим, кейин:

— Айт-чи, Анвар, сен ўз отрядингни яхши кўрасанми, йўқми? — деб сўрадим. — Лекин тўғриси айт.

— Албатта яхши кўраман-да! — деди Анвар.

— Жуда яхши. Лекин бу сўзингнинг қанчалик тўғри эканини эртага кўрамай, — дедим кўзларимни ундан узмасдан. — Чунки эртага бўладиган ўйин отрядимизнинг шон-шарафи учун бўладиган ўйин. Шунинг учун ўз отрядини яхши кўрган футболчи бу ўйинга албатта қатнашади, ҳатто бутун кучини сарф қилиб, ўйинда ютиб чиқиш учун курашади, — дедим мен. — лекин ўз отрядини ҳурмат қилмаган футболчи ўйинга қатнашмаса ҳам бўлади.

Шу вақт кимдир:

— Тўғри! — деб қичқирди.

Болалар бирдан қарсак чалиб юбордилар. Мен жуда ҳаяжонланган эдим.

Залда Каримжон ака учраб қолиб, хавотир олиб сўради:

— Хуш, нима бўлди, Сайёра? — У юзимга тикилди. — Тинчликми?

— Тинчлик! — дедим кулиб. — Эртага Қодирнинг отряди блан футбол ўйнаймиз...

— Эшитдми, эшитдим, албатта келаман, — деди Каримжон ака.

Ҳовлида мени Ра'но блан Жалил кутиб турарди.

— Ўртоқ вожатий, борди-ю, келмай қолса нима қиламиз? — деди Ра'но.

— Келади, — дедим мен. — Қўрқмасдан эртага бир даста гул олиб келавер.

— Нима қиласиз?

— Кўрасан, — дедим мен бирдан хаёлимга келган яхши фикрдан кулимсраб.

• • •

Ўғил болалар хўп серғайрат бўлишади-да! Эрталаб спорт майдончасига келсам улар қаердандир шланг топиб, майдончага сув сепишаётган экан.

Иккала отряднинг футболчилари ҳам йиғилган эди. Бизнинг футболчилар қизил майка, Қодирнинг отряди-дагилар кўк майка кийган эдилар. Футболчилар дарвозага тўп киргазиб ўйнамоқда эдилар.

Уларга кўзим тушиши блан юрагим „шув“ этиб кетди: Анвар йўқ.

Ўйинни кўриш учун бошқа отряд пионерлари ҳам келмоқда, майдонча байрам кунларидагидек безатилган. Ҳаво ҳам баҳорни эслатади. Осмон беғубор. Фақат сарғаябошлаган дарахт япроқларигина куздан дарақ беради.

Бирвақт катта букет кўтариб Ра'но келиб қолди. Ана, Каримжон ака блан Нафиса опа ҳам келишди.

Нафиса опа менга савол назари блан тикилди. Мен нима дейишимни билмасдан йўлга қарадим ва бирдан юрагим қаттиқ уриб кетди: мактаб томондан Анвар кўринди!

Тўққизга беш минут қолганда судья Каримжон ака биринчи ҳуштакни берди. Иккинчи ҳуштакдан кейин ҳарбир отряд ўз командасини қарсак блан узатиб қолди. Учинчи ҳуштак. Ўйин бошланди.

Мен ҳечқачон, ҳатто машҳур командаларнинг ўйинини кўрганимда ҳам бунчалик ҳаяжонланмаган эдим. Биринчи тайм жуда суст ўтди. Фақат танаффусга беш-олти минут қолганида қўшни команда футболчилари бизнинг дарвозамизга биринчи тўпни киритдилар. Собир яхши ҳаракат қилди, броқ бу тўпни тутолмай қолди...

Майдон шовқин, кулги, қарсакдан жаранглаб кетди. Лекин бизнинг отряддаги болаларнинг шашти пастроқ эди.

Танаффус вақтида ҳарбир отряд ўз футболчиларини ўраб олди. Мен олдин Анварни четга чақириб гап-

лашмоқчи бўлган эдим, лекин кейин унинг уялаётганини сезиб, индамадим. Нафиса опа командамиздагиларнинг кўнглини кўтариб:

— Ҳали вақт кўп, курашиш керак!— деди.

Иккинчи тайм тўсатдан қизиб кетди. Бизнинг футболчилар ўйиннинг бошидан оқ ҳужумга ўтдилар. Лекин қўшни команда ҳам бўш келмади. Ўйиннинг ўртасида Анвар уларнинг кучли мудофаасини ёриб ўтиб, дарвозага биринчи тўпни киритди...

Ҳаммамизнинг руҳимиз кўтарилиб қолди. Команданинг ўйинида ҳам уюшқоқлик кучайди. Бирпасдан кейин Анвар ярим ҳимоячи Жалилнинг ёрдами билан иккинчи тўпни киритди. Ҳисоб бизнинг фойдамизга икки-ю, бир.

Шундан кейин Қодирнинг командасида илтизом пасайиб кетди. Ўйин тамом бўлиши олдида бизнинг футболчилар уюшқоқлик билан ҳужум қилиб, учинчи тўпни киритдилар.

Судья ҳуштак чалди. Болалар худди шуни кутиб тургандай тўсатдан майдоннинг ўртасига отилдилар. Улар ўз дўстларини табриклаб бўлганларича Нафиса опа икковимиз четроқда кутиб турдик. Кейин болалар бизга йўл бердилар.

Мен қўлимни орқамга қилиб, гулдастани яширганимча футболчилар олдига бордим. Анвар негадир ерга тикилди. Лекин кейин, футболчиларга отряд совети номидан ташаккур билдириб, катта гулдастани унга узатганимда лаблари бирдан титраб кетди, нима қилишини билмасдан бир менга, бир Нафиса опага қаради, гулдастани қўлимдан олдию, броқ шу заҳотиёқ яна ўзимга узатди.

— Йўқ, йўқ, Анвар, у сеники, Нафиса опам—ҳаммамиз сенга тақдим қиламиз, — дедим кулиб.

— Ўртоқ вожатий, бутун команда номидан шуни сиз олишингизни сўрайман! — деди Анвар, кейин Нафиса опага қараб ёлворгандай: — айтинг, олсинлар, — деди.


— Олақолинг, Сайёра,— деди Нафиса опа ҳам.

Мен кучли қарсақлар остида гулдастани олдим. Кўзларимга бирдан келиб қолган ёшни кўрсатмаслик учун юзимни гуллар орасига яширдим.

Мен орзу қилган чинакам дўстлик бошланган эди. Шу пайт комсомол топширган вазифани бажараолишимга, ўз отрядимни мактаб бўйича биринчиликка чиқараолишимга ишондим. Қаттиқ ишондим. Ўртоқлар!

1953 йил.





## КАПТАР

Кечаси рўй берган бу воқиа эрталабоқ бутун мактабга тарқалди: 6-нчи „Б“ синф ўқучиси Карим Раҳимов тунда бир каптар тутган эмиш, каптарнинг оёғида ҳалқаси бор эмиш, ундан нотаниш тилда ёзилган хат чиққанмиш!

Бу хабар оғиздан-оғизга ўтиб, бир зумда ҳамманинг қулоғига етди. Кўп болалар Каримни кутишга сабр қилмасдан уларникига қараб чопдилар.

Карим дарс бошланишидан ярим соат олдин келди. Болалар уни дарров ўраб олиб, ҳарёқдан савол бера бошладилар.

... Ўтган кун и эрталаб Карим уйга топширилган ше'рни ёдлаш учун боққа чиқди.

Қушлар уйғонган, боғ уларнинг шўх ва қувончли чуғирлашига тўлган эди. Карим китобини ўқиганича боғ ўртасидаги ёлғизоёқ йўлдан секин юриб бораркан, тўсатдан кекса тутнинг пастки шохларидан иккита каптар учиб, уни чўчитиб юборди. Карим тўхтади. Кап-

тарнинг биттаси жуда ёввойи бўлса керак, ўзини Назираларнинг боғига уриб, кўздан йўқолди. Иккинчиси тутнинг юқори шохига қўнди-да, мовий кўзларини Каримга тикканча бемалол ўтираверди.

Олдин каптарга ё'тибор бермасдан нари ўтабошлаган Карим бирдан тўхтади: у каптарнинг чап оёғидаги кичкинагина ҳалқани кўриб қолди!..

Карим юрагининг қаттиқ урабошлаганини сезди ва тутга яқинлашди.

У янглишмаган эди: бу каптар ҳақиқатан ҳам ўтган кўзда Назира иккиси тутиб олиб, оёғига хат солинган ҳалқача боғлаб учириб юборган ёввойи каптар эди! Худди ўшанинг ўзгинаси эди!..

Карим кўзларини катта очиб қотиб қолди.

Каптар ҳам худди Каримни таниб қолгандек унга ёввошгина тикилиб қўрқмасдан ўтираверди...

Уша куни Карим нима қилганини эслайолмайди. У ҳаммани таажжубда қолдириб ўйчан юрар, бутун хаёли каптарда эди.

Қоронғи тушган ҳамон Карим ботинкасини ечдию, ялангоёқ боққа чиқди. Боғ зимзиё эди. Салқин тун шабадаси япроқларни шитирлатиб ўйнарди. Карим жуда эҳтиётлик билан борарди. Кекса тутга яқинлашгач, қадамини яна ҳам секинлаштирди.

Уя аниқ кўринмас эди. Лекин Карим уянинг қайси шохда эканлигини ва унга қўли бемалол етишини кундузи кўриб, билиб қўйган эди.

У қаддини секин ростлади, титрайбошлаган қўлини секин чўзди... Эҳ! Биттаси учди! Шохларга тегаётган қанотларнинг шошилинич тапиллаши ёшитилди... Броқ Карим эркин нафас олди: унинг бармоқлари тутилган каптарнинг оёғидаги ҳалқага теккан эди!..

Карим азиз қушни эҳтиётлик билан кўксига босган ҳолда тутдан тушди.

Сунг айвонда бирпас тўхтади. Ёввойи каптарни тутганини кўрса дадаси уришиб беришини эслаб,

нима қилишини билмай ўйланиб қолди. Кейин қўшниси, синфдоши Назиралариникига чиқди.

Назира уйда бир ўзи дарс тайёрлаб ўтирарди. У тўсагдан кириб, қўлларини орқасига қилиб тўхтаган Каримни кўриб, сўради:

— Ҳа, нима қилиб юрибсан?

— Мен...— Карим чуқур нафас олди,— мен ўтган йилги каптарни тутиб олдим.

— Вой, ростдан-а?— Назира ўрнидан сакраб турди.— Қани? Ҳалқаси ҳам йўқолмабдими?

— Йўқ!

Назира каптарни Каримдан секин оларкан:

— Бунча қаттиқ ушламасанг! Патларини эзиб юборибсан-ку!— деди койиган овоз блан. Сўнг каптарнинг оёғидаги ҳалқани кўздан кечираркан, ҳайрон бўлиб деди:

— Бу ҳалқа бошқа-ку, Карим! Биз боғлаган ҳалқа кичкина эди. Бу ундан каттароқ!.. Хатни рус тилида ёзган эдик-а? Нима деб ёзган эдик? Ёдингдами?

Карим қошларини чимириб бироз ўйлади:

„Бу каптарни тутиб қайтадан учирган Ленин номли мактабнинг пионерлари Карим Раҳимов блан Назира Саидова. Ким тутиб олса қўйиб юборсин. Чунки каптар—тинчлик симболи! Яшасин тинчлик!“ деб ёзган эдик. Кейин адресимизни...

— Унутмабсан! Тўғри!— севиниб деди Назира.

У каптарни Каримга тутқазди-ю, ҳалқадан эҳтиёткорлик блан хатни суғуриб олди. Ҳалқадан бир варақ юпқа оқ қоғоз чиқди. Қоғоз араб алифбесида ёзилган хат блан тўлдирилган эди.

— Бу нима?!— Назира ҳайрон бўлиб Каримга қаради.

Карим ҳайрон бўлиб каптарга тикилди. Каптар ва, Каримнинг қўлида ёввошгина ўтирар эди.

— Энди нима қиламиз?— сўради Назира.

— Бу хат четёлдан!..— деди Карим.—Бунақа алифбеда бизнинг мамлакатимизда ҳечким ёзмайди.

— Ро-о-ст!— деди Назира,— бу хат жуда узоқдан бўлса керак... Каптар қишда иссиқ мамлакатларда бўлган-ку...— деди Карим.

Болалар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қараганча бир-пас жим қолишди.

— Энди нима қиламиз?— деди ниҳоят Назира.

— Билмадим.

Қани энди ҳозир кундуз бўлса! Югурганча каптарни мактабга олиб боришса! Илож йўқ. Ҳозир тун, кўплар уйқуда. Эртагача кутишга тўғри келади...

Каптарни Назира олиб қолди, оёғидан боғлаб, дон берди, пиёлада сув қўйди. Карим эса хатни кўкрак чўнтагига солиб, чиқиб кетди.

Уша кеча улар анча вақтгача ухлайолмадилар. Иккаласининг ўйи ҳам ажойиб қуш блан сирли хатда эди.



Карим ўртоқларига каптар блан сирли хатни ҳали кўрсатиб бўлмаган ҳам эдики, уни мактаб директорининг кабинетига чақириб қолдилар. У ерда директордан ташқари кўпчилик ўқитучилар тўпланган эди. Гап каптар устида борарди.

Директор — институтни яқинда тамолаб келган ёш йигит — Каримни ёнига ўтқазиб, ундан каптар тўғрисида сўради. Карим бўлган воқияни бир бошдан гапириб бўлгунча директор блан ўқитучилар темир ҳалқани, ундан чиққан хатни ва каптарнинг ўзини навбатманавбат кўриб чиқдилар. Лекин ҳечким хатни ўқийолмади... Рост, кекса ўқитучилардан ба'зилари араб алифбесини билар эдилар, броқ хатнинг қайси тилда ёзилганини улар ҳам аниқлайолмадилар. Директор ўқитучиларга бир-бир қараб чиқди, кейин:

— Нима қиламиз, ўртоқлар?— деб сўради.

Ҳамон хатга тикилиб ўтирган кекса адабиёт ўқитучиси Азизов кўзидан кўзойнагини олиб, хагдан бош кўтарди:



Бу хат жанубдаги мамлакатларнинг бирортасидан келган,— деди у негадир Каримга мурожаат қилиб.— Балки Покистондандир. Менингча, каптар жанубга кетиб қишлаган, кейин ўтган йили бу ерга ўрганиб, тинчгина бола етиштиргани учун яна қайтиб келган... Шундай бўлиши мумкинми, ўртоқ Юнусова?

Биология ўқитучиси, сочига оқ оралаб қолган аёл — Юнусова каптарнинг патларини силар экан:

— Мумкин,— деди уйчан.— Ўрганган жойига қайта учиб келиш одати қушларда тез-тез учраб туради...

— Демак шундай экан!— деди Азизов.— Бу қушни у ерда биров тутиб олган бўлиши мумкин, лекин у Каримнинг хатини кўриб қолгандан кейин жавоб ёзиб қайта учуриб юборган бўлса керак...

Ҳарким ҳартурли фикр юритабошлаган эди, директор соатига кўз ташлаб:

— Хўш, энди нима қиламиз?— деб сўради.

— Менингча, хатни шарқшунослик институтига юбориб, таржима қилиб беришни сўраш керак,— деди Азизов.— Улар йўқ демаса керак.

— Мен ҳам бу фикрни қувватлайман,— деди директор. Кейин Каримга қараб давом этди:— Институтга мен ўзим хат ёзаман... Бугун 22 апрель. Биринчи майгача жавоб келиб қолади. Унгача каптарни боқиб турасан, бўптими?

— Хўп!— севиниб деди Карим.

Эшикда ўн-ўнбеш бола Каримни кутиб турарди. Карим чиқиши билан уни яна ўраб олдилар:

— Директор нима деди, Карим?

— Хатни ўқишдими?

— Ким ёзишти?

— Нима депти?

Карим, худди мажлисга раислик қилаётгандек, қўлини кўтариб шовқинни босди.

— Ҳечким ўқиёлмади. Директоримиз уни Тошкентга юбориб, таржима қилдирадилар...

- Каптар-чи?  
— Каптар қолади. Хатга жавоб келгунча боқиб турамиз,— деди Карим.



Байрам арафаси. Охирги дарсдан кейин болалар китоб-дафтарларини йиғиштириб, уйларига югурмоқчи бўлиб турган эдилар: „Болалар, тарқалмасдан залга чиқинглар, каптар олиб келган хат ўқилади!“ деб э’лон қилинди. Бу хабар бир зумда синфларни, кутубхона, зал ва тўғаракларни шамол тезлигида айланиб чиқди. Зал эшигининг олди бирпасда сершовқун бўлиб қолди.

Байрам муносабати блан байроқлар, шиорлар, гуллар блан безатилган зал бир зумда пионерларга лиқ тўлди. Саҳнага директор блан адабиёт ўқитучиси Азизов чиқди.

— Жим! Тинч!..— деган овозлар эшитилди ва усиз ҳам жимиб қолган зал чуқур сукутга чўмди.

— Болалар! Бу хат Покистондан экан, ҳозир мен уни ўқиб бераман...— Азизов йўталиб олди, кейин хатни кўзларига яқин тутиб, ўқийбошлади:

„Нотаниш ўртоқ! Бу каптарни тутиб олсанг дарров қўйиб юбор. Унга озор берма. Бу каптар бизнинг қишлоғимизга „Яшасин тинчлик!“ деган муқаддас рус сўзини келтирди... Биз ҳам бу каптарни яхши хат келтиргани учун яна қўйиб юбордик...“

Биз унинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтиб эркин учиб юришини ва қўйидагиларни хабар қилишини истаймиз: Покистон халқи урушни истамайди!

Нотаниш ўртоқ! Биз сенинг кимлигингни, исмингни, қайси мамлакатда яшашингни билмаймиз, лекин сен бир нарсани унутмагин: агар сен ҳаётни севсанг, агар севимли ўғилчанг ёки жажжи қизчанг боғингда ўйнаб-ўссин десанг, биз ҳамавақт сени қўллаб-қувватлаймиз! Биз — гўзал Покистоннинг узоқ тоғ қишлоғида яшовчи

камбағал деҳқонлар, хаёлимизда сенинг қўлингни қаттиқ сиқамиз, ишларингга муваффақият тилаймиз.

Ҳайр, нотаниш ўртоқ! Тинчлик иши улуг иш! Биз ҳам, мамлакатимизда тинчлик учун курашучи кишилар қаттиқ қувғин остига олиннишига қарамасдан, бутун кучимизни тинчлик ишига бағишлаймиз!.. Сен ҳам маҳкам бўл! Яшасин тинчлик!

Деҳқонлар ва каптарларни тутиб олган болалар номидан хат ёзучи ўқитучи Маҳмуд\*...

Зал бирлаҳза жим қолди, кейин кучли, ҳаяжонли қарсак кўтарилди. Қарсак юракдан чиққан оташин нутқлар блан алмашди. Назира ҳам тоқат қилолмади. У кичкина, лекин қаттиқ муштини сиқиб, ботир курашчиларни қувғин остига олаётганларга ўлим тилади...

Ниҳоят, мажлис шундай қарорга келди: каптар эртага, митинг вақтида бошқа каптарларга қўшиб учирилади. Уни Карим учиради.

Мажлисдан кейин кўп пионерлар Каримларникига кетишди. Ҳамманинг тилида хат, узоқ Покистондаги оддий деҳқонлар ва каптар эди...

Бирнеча соатгача Каримларнинг уйи яна болаларнинг шовқинига тўлди. Ҳамманинг ҳам машҳур каптарни ушлаб кўргиси, унга ўз қўли блан дон ва сув бергиси келарди. Кечаси алланечук вақтгача Каримнинг уйқуси келмади. Унинг хаёли узоқ Покистонда эди. „Нега уерда шундай? Нега тинчликни истаган одамларни қувғин остига оладилар?“ Бу савол Каримнинг уйқусини қочирган эди.

Ана, нариги уйдан радионинг ашуласи эшитилаяпти. Тинчлик ҳақидаги ашула. Кучаларда юзларча плакатлар осилган. Уларнинг ҳаммасида содда ва улуг „Яшасин тинчлик!“ шнори порлайди. Бу сўз бизла энг севимли сўз. У ерда эса бу сўз учун... балки отадилар! „Нега шундай?“ — яна ўйларди Карим. Унинг ўйчан кўзлари стол олдидаги катта суратга тушди. Қизил майдон. Кремльнинг ёқут юлдузлари. Яқинроқда

Ленин — Сталиннинг Мавзолейи. Мингларча одамлар байроқ кўтариб ўтиб бормоқдалар.

Каримнинг юраги бирдан чуқур қувончга тўлди. У узоқ Покистондаги деҳқон болаларига яхши, дўстона сўзлар айтгиси келди. У ўрнидан сакраб туриб, қўлига қалам олди.

„Хурматли ўртоқ Маҳмуд!

Биздан, Совет пионерларидан, қишлоғингиздаги деҳқон болаларига оташин салом!“ — деб бошлади Карим. Шундан кейин юракдан чиққан энг самимий сўзлар миясига ўз-ўзидан қуйилиб келаверди. Хатни ёзиб бўлгандан кейин Каримнинг кўнгли ўрнига тушиб, тинч уйқуга кетди...

\* \* \*

Биринчи Май! Баҳор байрами Биринчи Май! Булутсиз осмон худди тоза артилган шишадек мусаффо, тиниқ. Илиқ ҳаво гуллар, кўкатлар ҳидига тўла. Ёқимли шабада қизил байроқларни ҳилпиратиб ўйнайди...

Байрам муносабати билан ясениб олган шаҳарча буғун қувончга тўлиб уйғонди. Одамлар шаҳарнинг ўртасидаги катта майдонга эрталабдан оқабошлади.

Район маркази атрофидаги пахтакор колхозлардан лола тақиб, даста-даста гуллар кўтариб колхозчилар келишди, боғбонлар, ғаллакорлар, пахтакорлар келишди.

Ишчилар, хизматчилар тўпланди. Кейин бирдан ҳавода ўнларча барабанларнинг шўх овози эшитилди, қувноқ қўшиқлар янгради. Бу пионерлар эди.

Пионерлар келгач, майдондаги севинч яна ҳам авж олди, ашула, ўйин бошланди.

Каримларнинг мактаб колоннаси минбарнинг қарши-сида тўхтади. Уларнинг ўнг томонида Калинин номли рус мактабининг ўқучилари, чап томонида ишчилар турардилар.

Соат 9.

Минбарга Олий Совет депутати — машҳур пахтакор

блан райком секретари, райисполком раиси. колхозчилар, ишчилар чиқди.

Депутат каптар ушлаган пионерларга қараб қўлини силкиди, сўнгра ёнидаги йигитга алланарса деди. Бир минут ҳам ўтмасдан микрофонда „Каптар учирадиган пионерлар минбарга чиқсин!“ — деб э'лон қилинди.

Минбар пионерлар блан лим-лим тўлди. Каримни олдинга ўтказдилар. Унинг юраги яна ҳам тезроқ урабошлади. У депутатнинг ёнига келиб қолган эди.

— Қани, учирамизми, ўғлим? — Каримнинг кўзларига қараб сўради депутат.

— Учирамиз!

Карим каптарга сўнг марта қаради.

— Ўртоқ Маҳмудга салом айт! — У сўнгги марта каптарнинг илиқ патларини лабига босиб ўпди-ю, уни секин қўйиб юборди. Каптар қанотини ёзди, бироз юқори кўтарилиб ҳавола дўмбалоқ ошиб ўйнади-да, бошқа каптарларга қўшилиб кетди.

Ҳамманинг кўзи осмонда. Майдон устида юзларча каптарлар айланиб учарди. Каримнинг каптари майдонни бир айланиб чиқди, сўнгра Каримнинг юрагини қувончга тўлдириб, боққа қараб бурилди.

„Кузгача шу ерда бўлади. Ўзим асрайман. Кейин... Маҳмуд аканинг юртига кетади, албатта ўша ёққа кетади!“ — деб ўйларди Карим.

Пионерлар пастга тушабошладилар. Карим осмонга тикилганича қарсак чалиб кулиб турган депутатга яна бир марта қаради-ю, пастга қараб чопди.

Пастда, майдонда бўлса, ҳамон ўша содда ва дилларга яқин шиор янграмоқда эди:

— Яшасин тинчлик!





## ГОГОЛЬ ТИРИК

(Н. В. Гоголь вафотига 100 йил тўлиши муносабати блан)

Рус адабиёти тўғарагининг навбатдаги машғулоти тугади. Бир тўп ёшлар орасида заллан кулиб чиқиб келган Манзура ўртоқларидан ажралиб кутубхонага бурилган эди, Наталья Федоровна чақириб қолди:

— Кутубхонага кетаяпсанми, Манзура!

— Ҳа, — деди Манзура тўхтаб.

Наталья Федоровна — қирқ ёшлар чамасидаги, сочлари-га оқ оралаган аёл — тез юриб келиб, Манзурани қўлтиқ-лаб олди, кейин тўхтаб унга бошдан-оёқ разм солди.

— Войбўй, катта қиз бўлиб қолибсан-ку, Манзура? Бўйинг мен блан бараварлашиб қолипти! — кулиб деди у.

— Худди анчадан бери кўрмай юргандек гапирасиз-а, Наталья Федоровна? — деди Манзура.

— Рост, пайқамай юрган эканман, Манзура! — деди ўқитучи ва уни кутубхонага бошларкан сўради. — „Ўлик жонлар“ асарини ўқиганмисан?

— Ўзбек тилида парчалар ўқиганман,— деди Манзура.— Брок русчасини ҳам ўқимоқчи эдим. Чунки... Толстойнинг бир романини ўзбек тилида ўқигандим. Кейин русчасини ўқиб кўрсам...— Манзура негадир қизарди, кулди,— мутлақо бошқача кўринди, я'ни асл нусхаси шунчалик чиройли ва яхшики, ҳайрон қоласан киши!..

Наталья Федоровна оқ аралаш юмшоқ сочларини снлаб кулимсиради.

— Шундайлигини қачонлар айтмаганмидим?— деди у ва бирпас ўйланиб давом этди.— Кружокнинг навбатдаги машғулоти Гогольнинг ижодига бағишлаймиз. Мен докладни сенга топширмоқчиман, шунинг учун „Ўлик жонлар“ни ҳам асл нусхасида ўқиб чиқсанг яхши бўлади...

— Наталья Федоровна!..

— Йўқ, йўқ, қўрқмаёқ қўй,— деди ўқитучи,— ўзим ёрдам бераман. Ҳозирча асарларини ўқиб тайёрланиб боравер, тема танла. Хоҳласанг бирор асари ҳақида доклад қиласан, хоҳласанг умуман ижоди ҳақида.

Манзура кўзларини Наталья Федоровнанинг ажин тушган, лекин ҳали мулойим юзидан четга олиб, ўйланиб қолди. Унинг ёдида бор: бундан икки йил олдин мактабга келган шу аёл рус адабиёти кружогининг биринчи машғулотига Манзурага А. С. Пушкиннинг „Эртаклар“ номли китобчасини берган эди. Манзура А. С. Пушкиннинг эртакларини ўзбек тилида кичкиналигидаёқ ўқиган. Лекин Наталья Федоровна берган китобча унинг юрагида бурунгидан ҳам кучли таассурот қолдирди, Манзуранинг дилида ширин орзулар уйғотди. Унинг тасавурида гўзал манзаралар: қоронғи ўрмонлар, тўлқинланиб турган кўмкўк денгизлар, сирли қал'алар жуда жонли бўлиб гавдаланган эди ўшанда...

Шундан бери икки йил ўтди. Манзура энди рус тилини яхшигина ўрганиб олди, унинг бутун гўзаллигини ҳис этадиган бўлди, чунки у рус адабиётини, айниқса рус классикларининг асарларини севиб ўқийди.

Манзура бунинг ҳаммаси учун шу кекса аёлдан миянатдор эди...

— Хўп, Наталья Федоровна,— деди Манзура.

Хайрлашар экан, Наталья Федоровна ўзича: „Ажойиб китоб!“ деб қўйди.

Манзура ўз устига қанчалик ма'сулиятли мажбурият олганини ва'да бериб қўйгандан кейин тушунди. Кутубхонадан „Улик жонлар“ни олиб, уйига кетаркан, йул-йўлакай:

„Улда қилаоламанми? Борди-ю, докладим зерикарли чиқиб қолса-чи?“— деб тараддудланар эди.

Уйда Нури холадан бошиқа ҳечким йўқ эди. Физика блан химия ўқитучиси бўлган дадаси мактабга кетган, укаси эса ҳали мактабдан келмаган эди.

Манзуранинг мактабдан келасолиб яна китоб ўқишга киришаётганини кўрган Нури хола:

— Ҳой, қизим, бироз дам олмайсанми? Даданг нима деган эди?— деди койиб.

— Буни ўқишнинг ўзи дам олиш бўлади, ойижон,— кулиб деди Манзура.

У дераза ёнига утириб, чиройли муқавали қалин китобни очди. Броқ ўқийбошлашдан олдин шу китобнинг ўзбекчасини ўқиганида олган таассуротларини эслади... Анча нарсалар унутилган. Лекин бир нарса ҳамон ёдида: кўпчилик қаҳрамонлар унинг дилида қандайдир жирканч ва нафрат туйғусини уйғотган эди, айниқса Плюшкин блан Собакевич... Сўнгра китоб уни жуда кўп кулдирган эди.

Манзура романнинг ба'зи жойларини эслаб кулимсиради, кейин ўқишга киришди: „Таниш NN шаҳри, таниш арава, чиройли бўлмаган, лекин хувук ҳам эмас, таниш жаноб Чичиков...“

Китоб биринчи сатрларданоқ Манзуранинг диққатини ەгаллаб олди. Буюк ёзучининг қалами чизган манзаралар ва образлар шунчалик ҳаққоний ва жонли элики, Манзура ҳаммасини ўз кузи блан куриб гургандек бўлди.



Рўпарада кийим тикиб ўтирган Нури хола тўсатдан Манзурага кўзи тушиб қолиб, сўради:

— Нимага кулаяпсан, қизим?

— Шундай... ўзим...

— Кўп унақа ақлидан адашган одамдек ўзингдан-ўзинг кулаверма!— деди Нури хола ёқтирмасдан.

Бироздан кейин у яна қизига қаради. Бу сафар Манзура кулмас эди. Нури хола қизининг кўзларига чуққан чуқур ўйчанликни кўриб таажжубланди:

— Ўқиётганинг қанақа китоб, қизим? Бир куласан, бир қовоғингни солволасан?

Манзура китобдан кўзини узиб, онасига тикилди, кейин тўсатдан илжайди...

— Бу шундай китобки, ойи, ўқисангиз бир кулгингиз келади, бир...— у сўз қидириб қошларини чимирди,— бир йиғлагингиз келади!— Ниҳоят деди Манзура.

— Ўқи-чи, қизим, мен ҳам эшитай.

— Русча, тушунмайсизда,— афсусланиб деди Манзура,— бўлмаса, ўқиб берардим. Бу китобни буюк рус ёзувачиси Гоголь ёзган. У ўша замондаги бойларни тасвирлаб берган... Биласизми, ойи, улар шундай очкўз, хасис, шундай... ифлос одамларки, жирканиб кетади киши!...

Манзура китобни четга суриб, ўзи ҳам сезмасдан сўзлаб кетди...

Нури хола, қизининг нега ҳаяжонланаётганига тушунмасдан, кулимсираб ўтирарди. Брок, ҳикоя Плюшкинга етган ҳамона ишини четга сурди, томирлари бўртиб чиққан ориқ қўлини тиззасига қўйганича, қизининг юзига ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

— Вой ўлай, худди Сассиқ бойнинг ўзгинаси-я!— деди у,— Плюшкин дедингми? Худди Сассиқ бойнинг ўзи экан.

— У ким, ойи?

— Сассиқ бой-да!— деди Нури хола.— Бурунги замонда қишлоғимизнинг энг катта бойи ўша эди, қизим. Ўзининг асл исми Нормат бой эди-ю, хасислиги учун

ҳамма уни Сассиқ бой дерди. Ҳозирги мактабнинг ўрнида саройдек ҳовлиси бўларди. Омборларида мева-чевалари қоп-қоп бўлиб чириб ётарди. Броқ умочдан бошқани ичмас, арпа нондан бошқани емас эди. Хиёматчиларники, сўрамаёқ қўй! Айтаяпман-ку, худди ҳалиги... Исми нима дединг?

— Плюшкин.

— Ўшанинг ўзгинаси эди!— деди Нури хола ва Манзураинг юзига ўйчан тикилиб қўшимча қилди:— Сўрамаёқ қўй, қизим, уни эсламай. Сассиқ бой ҳам ўлсин, замонаси ҳам!..

Эшикни қаттиқ очиб уйга Темир кирди. Палкасини столга ташлади-да, совуқдан қизариб кетган юзини артаркан:

— Сиз мени нега кечикдинг, деб уришмоқчисиз-а, ойи?— деди ўзига тегар гапнинг олдини олиб.— Уришмасангиз ҳам бўлади, нега десангиз, бугун коллектив бўлиб китоб ўқидик!

— Яна қанақа китоб?— деди Нури хола ишонгиси келмасдан.

— „Тарас Бульба“ни ўқидик!— баланд овозда деди Темир ва ғурурланиб Манзурага қараб қўйди.

Темирнинг сўзига негадир севишиб кетган Манзура:

— Уни ҳам ҳалиги ёзучи ёзган, ойи, Гоголь ёзган!— деди.

— Тўхтанг опа, ўзим айтаман!— шошиб деди Темир.— Биласизми, ойи, Тарас Бульба шундай кучли одам бўлганки, йигирма поляк бўйнига арқон ташлаганда ҳам зўр келиб, ҳаммасини йиқитиб кетган!.. У ўғли Андрейни ўз қўли блан отиб ташлаган-а?! Нега дейсизми? Чунки Андрей битта поляк қизини севиб қолиб, ўшаникига кетиб қолган!

— Чунки...— деди Манзура,— Андрей ўз ватанини душманга сотган хоин эди!..

— Биламиз!— Темир унга ҳўмрайиб қаради, кейин Нури холанинг рўпарасига утириб олиб астойдил ҳикоя

қилабошлади. Манзура китобини олиб, дадасининг хонасига ўтди.

Бу ерда ҳечким халақит бермас—жимжит вли

Манзура юмшоқ креслога ўтириб олиб, уқингга киришган ҳам едики, Нури холанинг оғузлари ёдига тушди: „Сассиқ бой—Плюшкин!“ Тўсатдан Манзуранинг хаёлига яхши бир фикр келди: Агар.. дадасидан Сассиқ бой тўғрисида кружокда гапириб беришни сўраса-чи, ҳарҳолда даласи Сассиқ бой тўғрисида кўш нарса билса керак!

Бу фикр Манзурага шунчалик ёқиб тушдики, у сабрсизлик блан деразадан дадасининг йўлига кўз ташлади...

Маҳмуд ака мактабдан кечроқ қайтди. У қизининг ҳалигача ухламаганини ёшитиб хонага кирганида Манзура „Ўлик жонлар“нинг биринчи қисмини ўқиб тамомламоқда эди.

Маҳмуд ака ёшиқда тўхтаб, йўталиб олди. Манзура сесканиб китобдан бошини кўтарди, қовоғини солиб турган дадасини кўриб, ўрнидан турди.

— Бу қанақаси, қизим?— деди Маҳмуд ака.— Соат унбирдан ошган-у, сен ҳалигача ўтирибсан? Ёки 9-нчи синф ўқучиси тартибга бўйсунмайдими?..

— Дадажон!— Манзура югуриб келиб Маҳмуд аканинг совуқ кафтини ушлади,— мен орта-индин Николай Васильевич Гоголь тўғрисида доклад қилишим керак... Броқ масала унда ҳам эмас, я'ни...

— Ҳмм... хўш?

— Масала шундаки,— деди Манзура ва бирдан дадасининг қўлидан тортиб, стол томон бошлади,— бунга қаранг, дада! Қандай ёзилган!— Манзура китобни қўлга олиб, ҳаяжон блан ўқиди:

„Русь, куда ж несешься ты? Дай ответ. Не даёт ответа. Чудным звоном заливаются колокольчик: летит мимо всё, что ни есть на земле, и косясь посторониваются и дают ей дорогу другие народы и государства...“

Манзура қувонч гула кўзларини дадасига тикди:

— Қандай яхши ёзилган-а?

Маҳмуд ака бошини секин чайқаб илжайди.

— Ёзилишидан олдин фикрни айт, қизим, фикрни!— деди у.— Бу фикрни Гоголь юз йил олдин айтган-а? Юз йил олдин Россиянинг келажаги тўғрисида у шундай деган!

Маҳмуд ака кўзларини китобга тикканча ўйланиб қолди.

— Дада,— деди Манзура ҳалиги фикрини эслаб,— сиз Сассиқ бой деганни биласизми?

— Сассиқ бой, дейсанми? Биламан!— Маҳмуд аканинг пешонасидаги ажинлар кўпайгандай бўлди.— Мен унинг молини ҳам боққанман, қизим!

Манзура даласининг кўзларига чўккан ғамгин ифодани кўриб, бироз индамай турди, кейин секин деди:

— Ундай бўлса, адабиёт кружогида у тўғрисида ҳикоя қилиб беринг, дадажон!

— Бу ўзингнинг фикрингни, қизим?

— Ҳа,— севиниб деди Манзура.— Нега десангиз... У Плюшкиннинг ўзгинаси экан. Я'ни... Сизнинг ҳикоянгиз Плюшкин образининг қанчалик ҳаққоний эканлигини тасдиқлайди. Тушунаяпсизми, дадажон?

Маҳмуд ака қизининг бошини силаб кулди.

— Тушунаяпман, қизим,— деди у.— хўп, ҳикоя қилиб берай...

Манзура суюнганидан терисига сиғмагундай бўлиб, хонадан югуриб чиқиб кетди.

Нури хола овқат иситмоқда, Темир ухлаган. Манзура пальтосини кийиб ҳовлига чиқди.

Кеча қоронғи, осмонни тўлдирган юлдузлар бугун негадир ҳар кундагидан зичроқ, йирикроқ кўринади. Атроф жимжит.

Манзура эшикдан чиққан ерида тўхтади. Уйнинг олди боғ. Боғнинг нар'ёғи сойлик. Сойликнинг устида, баландликда электр лампочкаларининг нуринга чўмилган катта қишлоқ. Узоқ уфқда esa, шаҳар уйларининг лампочкалари порлайди...

Манзура худди бунинг ҳаммасини биринчи марта кўраётгандек, кўзларини катта очиб, қишлоққа тикилиб қолди. Тўсатдан ойсининг ҳалиги сўзлари ёдига тушди:

„Ҳозирги мактабнинг ўрнида Сассиқ бойнинг саройдек ҳовлиси бўлар эди...“,— эслади Манзура.— Мактаб... мактаб қани?

Тунда мактабни бошқа бинолардан ажратиш қийин эди. Броқ Манзура уни кўзлари блан излаб топди. Мактаб ва яқинда қурилган амбулаториянинг деразаларидан қуюлган ёруғлик бошқа биноларникидан ажралиб турарди...

Манзура биринчи марта ўз қишлоғининг чиройли эканини ҳис этди.

„Нега мен буни олдин сезмаган эдим? Нима учун?“— деди Манзура самимий таажжубланиб. Лекин жавоб ўрнига яна „Ўлик жонлар“ китоби блан Нури холанинг Сассиқ бой ҳақида айтган сўзларини эслади...


„Ҳа-а. Гап бу ёқда экан-ку!— деди Манзура.— Бугунги куннинг қимматини тушуниш учун ўтмишни яхши билиш керак!..“

Манзура қоронғиликда кулимсиради ва шу заҳотиёқ Наталья Федоровна тошширган доклад учун ажойиб тема топилганини сизди. Ҳарҳолда унинг доклади шу қишлоқнинг ўтмиши ҳақида, Сассиқ бойлар блан Плюшкинлар ҳақида, ҳозирги ютуқлари ҳақида бўлиши керак!..

Бироздан кейин Манзура совқотганини сезиб уйга кираркан:— „Бир китоб шунча нарсани ўргатди. Шунинг учун буюк ёзучиларнинг асарлари ўлмайди дер эканлар-да!“— деган фикрни кўнглидан ўтказди.

1952 йил.





## И Р О Д А

Физкультура дарсида бўлган югуриш вақтида Олимнинг боши айланиб, йиқилиб тушишига оз қолди. Оёқлари титраб, дармони қуриди. Нафас олиши ҳам тезлашиб, ҳаллослаб қолди. Ўқитучи дарсдан кейин уни докторга юборди.

Кўзойнак таққан кекса доктор ўқитучининг хатини ўқиб кўргач, Олимни ечинтириб кўрабошлади. Кўкрагига фонендаскоп қўйиб юрак уришини, нафас олишини эшитди. Ҳамаёғини урдан кўриб бўлгандан кейин кўзойнаги тагидан Олимга тикилиб қаради.

— Физкультура блан шуғулланасизми?— тўсатдан сўради у.

— Йўқ.

— Кўриниб турипти! Кўриниб турипти!— баландроқ овозда гапирди доктор.— Ўпкангиз тоза, юрагингиз ҳам дуруст. Брок, ... — у кучли қўллари блан Олимнинг тирсагидан юқорисини ушлади,— мускулингиз йўқ. Ҳа,

ҳа, мускулингиз йўқ, йигитча. Ёшсиз-у, жисмоний жиҳатдан... мазангиз йўқ! Бу ярамайди. Физкультура блан шуғулланиш керак!.. Мунтазам шуғулланиш керак, сра канда қилманг...

Доктор стол ёнига ўтирди. Хат ёзди-да, икки буклаб Олимга узатди.

— Ўқитучингизга беринг. Бундан кейин унинг айтганларини тўла бажаринг! Тушундингизми, йигитча?

— Тушундим.

Кекса врачнинг сўзларидан қизариб, терлаб кетган Олим кийимларини тез кийди-ю, ташқарига отилди. „Энди ўртоқларим мендан кулишади...“ деб ўйларди у ўзича.

Каримов хатни ўқиб кўриб:

— Отряд вожатийларингиз Фарида Назаровами? — деб с ўради.

— Ҳа.

— Сизга рухсат.

— Ўша куни кечаси Олим анчагача ухлайолмади. Физкультура дарси, кекса врачнинг сўзлари, Каримовнинг худди хафа бўлгандек ҳечнарсга демагани — ҳаммаси хаёлидан бир-бир ўтди. Синфдошлари ҳарқуни дарс бошланишидан олдин эрталабки физзарядкани қандай ўтказганлари, бугун радиода зарядкани ким ўргатгани, қандай музика чалингани ҳақида суҳбатлашар эдилар. Шунда Олим ўртоқларининг суҳбатларига аралашаолмай, бирон баҳона топиб, синфдан чиқиб кетар эди. Ҳозир худди ўша суҳбатлар эсига тушиб, синфдошларидан ажралиб қолганини сезди. „Эртага эрталаб мен ҳам албатта физзарядка қиламан...“ деб ўйлади Олим ва шу фикрда уйқуга кетди.

Эрталаб, Олим радио блан бирга уйғонди. Бироздан кейин эрталабки физзарядканинг бошланиши э’лон қилинди.

Ана, дикторнинг командаси ҳам эшитилди, музика ҳам бошланди. Олим эса ҳамон ўрнида ётарди.

Ҳаво салқин. Дарахт япроқларини секин шитирлатиб шабада эсмоқда. Тушак бўлса шундай юмшоқ, шундай илиқки, кишининг ҳеч тургиси келмайди! Шу вақт Олим кечқурун уклаш олдида „Албатта тураман!“ деб аҳд қилганини эслади, ўрнидан сакраб турмоқчи бўлди-ю, лекин эринди... Яхшиси... эртадан бошлаб қўяқоламан, албатта бошлайман, деди ва бошини кўрпага буркаб олди.

Тўсатдан ташқаридан кулги эшитилди.

— Олим, тур! Войбуй, шу вақтгача ётибсанми?

Кимдир кўрпани тортиб юборди... Кровать ёнида синфдоши Мели кулиб турарди.

— Обломовга ўхшаб ётаверасанми, тур!— деди у.

— Туриб нима қиламан?

— Физзарядка қиламиз, тур дарров,— деди Мели жиддий,— кеча кетиб қолибсан. Отряд советининг йиғилиши бўлди. Совет сени физкультурага ўргатишни менга топширди. Бугундан бошлаб менга буйсунасан. Тушундингми?

— Сенга-я?— деди Олим бармоғи блан кўзларини уқалаб.

— Ҳа, менга.

Олим ўрнидан тураркан Мелига тикилиб, кўнглидан „Жуда жиддий бўлиб қолипти-ку!“— деган фикрни ўтказди.

— Эрталабки гимнастикадан бошлаймиз... Қулоқ сол! Менга қараб бажарасан: қўлингни орқангга тутиб эркин тур... диққат!..

Ростини айтганда, Мели ҳаддидан ошиб кетди. Олим тўртинчи машқни бажаришда жиндек ноқулай эгилган эди, у жеркиб берди:

— Тўғри эгилинг, ўртоқ Муҳсимов!

— „Ўртоқ“ демаса нима қилади я!— уйлади Олим хафа бўлиб.

Зарядка тамом бўлиши блан Мели:



— Эндй югурамиз. Сен бугун юз қаламга югура-сан, мен икки юз қадамга,— деди.— Броқ-чи, Олим, мен ўз маррамга бориб келгунимча тўхтаб турмагин, қўлларингни ҳаракат қилдириб, юриб тургин, хўпми?

— Хўп.

Улар боққа чиқишди.

Эндигина кўтарилган қуёшнинг шўх шу'ласи дарахт-ларнинг учларида йилтирайбошлади. Ҳаво бироз салқин, боғдаги барра ўтлар ҳўл.

Улар шудринг тушган майин ўтларни босиб чопиб кетдилар. Мели Олимдан ўзиб кетмади. У юз метргача Олим блан ёнма-ён борди. Олим белгиланган жойга етиб тўхташи блан ўзи қадамини тезлатди... Шамол унинг юмшоқ сочларини хилпиратиб ўйнарди. У худди қушга ўхшаб учиб борарди. Мелининг югуришига Олимнинг жуда ҳаваси келди. У ўртоғига бироз тикилиб тургач: „Қандай чаққон-а?“— деб қўйди ўзича.

— Энди ювинсанг бўлади,— деди Мели қайтиб кел-гач,— бугундан бошлаб ҳарқуни шундай қиламиз.

— Мен ўзим ҳам...

— Иўқ-йўқ! Ўзинг қилмайсан. Биз сени биламиз.

— Майли,— деди Олим, хафа бўлганини билдир-масдан.

Мели бунинг ҳаммасини Фаридага айтган эди, у бироз ўйлаб туриб:

— Биласанми нима, эртага бўладиган сборни спорт-га бағишлаймиз. Турли ўйивлар ўтказамиз. Қани, айтчи, Олимни қизиқтириш учун нимадан бошласак бўлади?— деди.

— Уни ҳаммадан олдин қаддини тўғри тутиб юриш-га ўргатиш керак!— деди Мели.— Бунинг учун тупроқ солинган халтачани бошга қўйиб юриш бор-ку? Ўшан-дан фойдаланамиз.

— Майли, лекин ўйинни яхши уюштириш керак. Энг муҳими, Олимни спортга қизиқтираолиш керак, тушундингми?

— Тушундим.

Ўйин мактаб боғида ўтди. Болалар Мели айтган ўйиндан бошладилар: узунлиги ўттиз қадам, кенлиги 15 сантиметр келадиган йўл чиздилар. Йўлга ҳар турли тўсиқлар қўйдилар. Ўйин қийин эди, айниқса бошидаги халтачани тушуриб юбормасдан ва чизиқдан чиқмасдан йўлга тўкилган тошларни териб олиб кетиш қийин эди. Олим шунга бажаришда қийналди. У ҳарқанча ҳаракат қилмасин, бошидаги халтачани тушуриб юборарди. Брок шунга қарамасдан Олим ўйинга қандай қизиқиб кетганини сезмай қолди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Олим бўлса, эрталабки физзарядкани ҳали ҳам Мелисиз ўтказмас эди. Мели келмаса ўрнидан туриши қийин бўларди. Ҳафтанинг охирида Мели нима учундир беш минут кечиккан эди, Олим ухлаб қолди... Мелининг аччиғи чиқди.

— Сенда-чи, Олим, ирода йўқ экан! Мана шунча ҳам йўқ экан!— деди у тирноғининг учини кўрсатиб.— Дангаса экансан!

— Мен-а?— деди Олим бирдан аччиғи чиқиб.— Сен ҳали мени билмас экансан!

— Сени-я?!

— Кулма, билдингми? Юр, физзарядкани бошлай-мив!

— Ўху!— деб қўйди Мели мийиғида кулиб.

У шу гапни кейин вожатийга айтган эди, у ҳам кулиб қўйди.

— Ундай бўлса меҳнатимиз бекор кетмапти. Давом этдириш керак.

Шу воқиядан кейин Олим спортга астойдил киришди, лекин энг яхшиси шу бўлдики, у спортнинг фойдасини кўп ўтмасданоқ пайқаб қолди.

Ўтган ярим ойдаёқ унинг мускуллари анча пишиди, юзига қизил югурди. У илгари дарс тайёрларкан (Олим китобни севар, умуман, яхши ўқучилардан ҳисобланар эди), дарров уйқуси келарди, кўпинча китобга

бошини қўйиб ухлаб қоларди. Спорт блан шуғуллана-бошлагандан кейин унинг бу одаги ҳам йўқолди.

Буни ўзи ҳам сезди. Энди у эрталабки физзарядкага шундай ургандики, зарядка қилмаса, бирон нарсасини йўқотгандай ғалати бўлиб юрарди. Ҳар куни совуқ сувга ювинадиган, ҳўл сочиқ блан танасини артиб турадиган бўлди.

Мели буни кўриб жуда севинар эди. Нега ҳам севинмасин? Ахир бу муваффақият Мелининг ҳам муваффақияти-ку? У ҳар куни кечқурун маҳалладаги болаларни тўплаб қизиқ-қизиқ ўйинлар уюштирар эди. Шунда Олимнинг ўзиёқ чидаб туролмасдан ўйинга қўшилиб кетарди.

... Октябрь ойининг биринчи кунларида огряд пионерлари шаҳарча яқинидаги катта тўғонга экскурсия қилдилар. Тўғонга бориш учун тоққа қараб юриш керак, йўл қирлар устидан ўтар, яқин бўлса ҳам оғир эди. Аммо Олим бошқалардан кейинда қолмади.

Болалар тушгача тўғон атрофида бўлишди. Қармоқ солиб балиқ овлашди. Ёш табиатшунослар тўғараги учун қисқичбақалар, сув ўсимликлари ва бошқа нарсалар тўплашди. Тушдан кейин бир соатча дам олгач, ниҳоят йўлга чиқишди.

Олим қайтишда ҳам кўп чарчамади. У Мели ва Икромлар блан олдинда борар, негадир ҳамма нарсага севинарди. У ўзини жуда тетик ҳис қилар, шунинг учун унга ҳамма нарса ёқарди.

Сўнгги қир. Пастда, водада шаҳарча кўринди. Шаҳарча атрофидаги боғлар худди ранг-баранг буёқларга бўялгандек эди: қатор оппоқ уйлар қизил, сариқ, пуштиранг япроқларга ўралган дарахтлар орасида янада оқроқ ва чиройлироқ кўринади. Ўзоқдан — шаҳарнинг нариги чеккасидаги завод трубасидан бўлса керак — қуюқ тутун кўтарилади ва шамолсиз ҳавода секин чўзилиб узунчоқ қорамтир булут ҳосил қилади.

Шаҳарга кирганда Фаарида Олимни чақириб қолди.

— Чарчамадингми, Олим?

— Ҳеч.

— Жуда сози— деди Фариди, — эшитишимча, югуришда Мелини қолдирибсан-я, ростми?

— Иўқ-э!— Олим қизарабошлади.— Уни қолдириб бўладими? У қушдек учади!

— Ээ... Сени қара-ю! Мен сени чиндан ҳам спортни севиб қолипти деб уйлабман.

— Ҳали ҳам севаман.

— Севган одам бировдан ўзолмайман деб гапирадими? Ҳечда! Ўзаман дейди. Ўзади ҳам! Бунинг учун ирода керак... Меннингча, сенда шундай ирода бор бўлса керак, ё йўқми?

— Бор, албатта,— деди Олим яна қизариб.

— Бор бўлса ўзингни тарбиялагин. Ёдингда бўлсин, спорт блан узлуксиз шуғулланган одамларгина яхши спортчи бўлиб чиқадилар. Лекин спорт блан бир кун шуғулланиб, иккинчи кун ялқовлик қилиб ташлаб қўйган одамлардан спортчи чиқмайди... Ўзлари нимжон, беқувват бўлади, ўзинг ҳам сезгандирсан?

Олим „ҳа“ дегандай бошини силкитди.

— Ана, кўрдингми?— вожатий Олимнинг қўлидан ушлади ва гўё айтмоқчи бўлганини бошқалардан яширгандай овозини пасайтириб давом этди:— Сенчи, Олим, Мелидан ўзаоласан. Фақат спорт блан янада яхшироқ шуғулланиш керак. Тагин бир-икки ой жиддий шуғуллангин, кейин кўрасан, „Фарида опа, рост айтган экансиз“, дейсан, хўлми?

... Булутли, лекин илиқ бир кун эди. Мактаб боғида кулги жаранглар, нима тўғрисидадир қизгин баҳслашаётган овозлар эшитилади...

Боққа киришда стол турарди, у ерда физкультура ўқитучиси, бош вожатий ва яна бир-икки одам ўтирарди.

Стол орқасида турган болаларнинг гаплари айниқса қизгин эди.

- Мелига етиб бўпти!
- Етади! Олимни чакана деб уйлама!
- Тўғри! У ҳар куни спорт блан шуғулланади!

Бу ерда беш юз метр масофага чопиш мусобақаси борарди. Ҳаммининг кўзи боғнинг ичкарисига қараб кетган катта йўлда.

— Ана, қара: Мели олдинда келаяпти!— кимдир севинганидан қичқириб юборди. Узоқла боғнинг ичкарисига Мели кўринди. Шу заҳотиёқ унинг орқасидан яна икки бола кўринди— Олим! Карим!.

Мели жуда тез келарди. У шу келишида шамолини енгиб учаётган қалдирғочни эслатади.

Финишга эллик метр колди. Шу вақт болаларнинг бирови Мелига етабошлади:

— Олим!

Яна бир секунд... терлас қизариб кетган Олим Мели блан бараварлашди. Броқ Мели ҳам қадамини тезлатди. Улар уч-тўрт секунд қатор келдилар. Финишга йигирма кадам қолганда Олим бирдан қоматини олдинга эгди, бор кучини тўплаб ўқдай отилди ва болаларнинг гулдирос қарсақлари остида лентани узди...

Беш минутдан кейин нафасини ростлаб олиб Мели блан гаплашиб турган Олимнинг ёнига Фарида келди. Олим унинг кулимсираган кўзларига қаради-ю, дарроя эслади, унга қараб юрди.

— Айтганингиз рост экан, Фарида опа,— деди у.





## Д У С Т Л А Р

Октябрнинг боши эди. Пахта шундай яхши очилганки, кенг пахтазор худди қалин юмшоқ қор блан қопланганга ўхшайди. Чаноқларга сигмасдан нишолдадек кўпириб, тошиб чиққан оппоқ момиқ пахталар ёрдамга чиққан болаларнинг ҳавасини келтирди. Этакларининг шундай тез тўлишидан сеvingан болалар теримга қизиқиб кетиб, вақтнинг қандай ўтганини сезмай колдилар.

Кечроқ, соат бешларга бориб, пионерлар терган пахталарини топширабошладилар.

Терилган пахта ҳисобланиб бўлгач, биринчи звонинг учинчи звенодан ўзганлиги, иккинчи звенодан эса беш кило оз терганлиги ма'лум бўлди... Фақат беш кило!

Лекин шу вақт Марат блан бир партада ўтирадиган Ўктам ҳайрон бўлиб атрофига қаради:

— Марат қани? Топширдими у?

— Ҳа, айтгандаи, ҳали Марат бор-ку!—Биринчи зве-

нонинг бошлиғи Карима қуёшда қорайиб кетган юзини яртиб, оқ тишларини чақнатди. Унинг звеносидаги болалар далага қараб югурди:

— Марат, қаёқдасан, тезроқ бўл!

— Пахтангни топшир!

Улар қичқира-қичқира пахтазорни айланиб чиқдилар, таажжуб: Марат, худди сувга чўккан тошдек, изсиз йўқолган эди. Броқ шунда ҳам ҳечкимнинг ишонгиси келмади.

— Балки касал бўлиб кетиб қолгандир,— деди Собир.

— Ундай бўлса, айтиб кетарди,— кимдир шубҳаланди. Броқ унинг сўзини ҳечким қувватламади.

— Касал бўлиб қолган!

— Тоби қочган-у, айтолмай кетган-да!

Бу фикрни Замира ҳам қувватлади. Шу заҳотиёқ Карима блан Собир Маратларникига кетишди.

...Улар Маратларнинг боғидан қайтиб чиққунча Ўктам блан Жўра кутиб туришди.

— Қандай? Нима?— сўради Жўра.

Карима индамасдан ерга қаради. У гўё, шу ишни ўзи қилгандек, қизариб кетди, секингина жавоб берди:

— Қочиб кетган экан...

Орага бир секундча жимлик чўкди. Ўктам бўйнини олдинга чўзиб, сўради:

— Нега қочибди? Айтдимми?

— Кераги йўқ, эртага гаплашамиз,— деди Карима,— хайр, ўртоқлар, мен ҳозир Замира опамнинг олдига бораман.

— Хайр!

Маратни кўргани келган Ўктам блан Жўра ичкарига кирмасдан орқага қайтишди.

\* \* \*

Ҳаркун эрталаб уйдан шошилиб, севиниб чиқадиган Маратнинг кўнгли бугун ғаш эди. У уйқусидан уйғонди-ю, Каримани кўз олдига келтирди. Унинг одатдаги-

дек секин, лекин та'на блан „Марат, нега шундай қилдинг?“ деган сўзларини эслади. Собир эса:

„Эҳ, Марат, агар кетиб қолмаганингда биринчиликни биз олардик?“ — деган эди.

— Нега шундай қилдим-а? — афсусланиб ўйлади Марат.

У далага боргунча кетиб қоламан деб ўйламаган эди. Лекин пахта терабошлагач, ўзида қандайдир ялқовлик сезабошлади. Кейин сув ичкиси келиб, пастдаги сойликка тушди. Уердан ... қандай қилиб кетиб қолганини ўзи ҳам билмайди...

„Бекор қилибман?“ — яна ўйлади Марат.

Мактабнинг ёнгинасида Ўктам учради. У Маратни кўрса ҳам, кўрмагандек, саломлашмасдан тескари бурилиб кетди. Залга киришди. Собир блан Жўра учради. Собир индамасдан ўтиб кетди. Жўра эса тишлари орасидан қисқа қилиб: „Қочқоқ!“ деб қўйд.

Марат синф эшигини қай ҳолда очганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аксига, синфда Замира ҳам бор экан. У болалар блан суҳбатлашиб ултирарди. Эшик очилган ҳамано ҳамма Маратга қаради.

— Ана, ўзи ҳам келди, — деди кимдир.

„Гап менинг устимда экан!“ — ўйлади Марат ва ҳечкимга қарамасдан, тез юриб бориб ўз жойига ўтирди.

Кичкинагина абжир қиз Меҳри югуриб Маратнинг ёнига келиб, баланд овоз блан сўради:

— Нега даладан қочдинг? Уялмадингми?

— Сени шундай қилади, деб ҳечким ўйламаган эди! — деди Ўктам қизишиб.

— Биз сени касал бўлиб қолипти деб ўйловдик, кейин эшитсак... қочиб кетибсан!

Маратнинг узунчоқ юзи лоладек қизариб кетганди, ўзи эса, кўнглида афсусланиб: „Нега шундай қилдим-а?“ — деб ўйлар эди.

Тўсатдан унинг иссиқ юзини қандайдир ёқимли, салқин шамол силагандек бўлди:



— Ўртоқлар, менингча, Марат энди бундай қилмайди. Марат бошини кўтарди.

Замира синовчан кўзларини унга тикиб турарди — Шундайми, Марат?

— Шундай,— деди Марат, — шундай, албатта!— дадил овоз блан такрорлади у худди бошқаларнинг эшитмай қолишидан қўрққандек.



Ташқарида звонок жиринглади. Замира опа синфдан чиқаркан, Маратга далда бериб:

— Хафа бўлма, бугун яхши терсанг бўлгани!— деди секин.

Марат „яхши“, деб бошини силкитди, кейин дарслар тамом бўлишини сабрсизлик блан кутабошлади. „Ўктам шошмай турсин ҳали!“— деб ўйлар эди у.

Марат ноқулай аҳволдан далага кетаётганда ҳам қутилмади. Хупчақчақ болалар орасида ўзини бошқалардек эркин тутаолмади. Лекин кечқурун, терган пахта-сини топшириб бўлиб уйга кетаркан, ўзини бошқача сезди. Унинг юрагидаги ҳалиги оғир ҳис йўқолган эди. У дўстларининг кўзига тик қарар, ўзини одатдагидек эркин ҳис этарди.

Уйга яқин қолганда Замира Маратнинг қўлидан секингина тортди:

— Ўктамдан хафамисан дейман?— сўради у болалардан бироз орқада қолгач.

— Хафа бўлмасдан-чи?— деди Марат, — бир марта кетганимга шундай қилди. Мана бугун ундан қолмадимку!..

Вожатий кулимсираб қўйди.

— Қани, айтчи, Ўктам блан Кариманинг ўрнида бўлганингда сен нима қилардинг?

— Менми?..— деди Марат негадир қизиқабошлаб. У сўз тополмай қолди.

— Бўлмаса бундай қилайлик,— деди Замира,— эртага якшанба. Биз яна ёрдамга чиқмоқчимиз... Сен яхши

ишлаб, шулардан бир ўзгин-чи, кўрайлик: Ўктам қувонармикан, қувонмасмикан?

Марат индамади. У бир нарсани ўйламоқда эди.

— Яхши. Эртага улардан ўзаман!— деди ниҳоят, Замиранинг фикрига тушуниб севиhib кетган Марат.— Албатта ўзаман.

\* \* \*

Марат далага чиққанда қуёш эндигина кўтарилган эди.

Ўнг томондаги тутзор ёнида пахта теручи машина ишламоқда. Унинг устида икки ўрим сочини чамбарак қилиб олган бир аёл ўлтирар ва қудратли машинани епчиллик блан бошқариб борарди. Оқ этак таққан колхозчилар кенг даланинг уч-тўрт жойида тўп-тўп бўлиб пахта термоқда эдилар. Қизларнинг жарангли кулгиси йигитларнинг кучли овозига қўшилиб янграрди.

Марат Замирани излаб атрофга аланглаб бораркан, Кариманинг овозини эшитиб қолди:

— Марат, қаёққа кетаяпсан, буёққа кел!

Марат тўхтаб, атрофга қаради, у янглиш эшитгандирман, деб нари кетмоқчи эди, орқа томондаги жўякдан кулги эшитилди, кейин Карима блан Ўктам югуриб чиқишди.

— Салом, Марат! Буёққа кел, нима қилиб юрибсан?— деди Карима.

Карима устига оқ кўйлак кийган, олдига оқ этак тутган эди. У ҳам, Ўктам ҳам жуда хурсанд эдилар.

Марат уларнинг ёнига бориб саломлашди.

Қуёш баландроққа кўтарилди. Пахтазорни қоплаган енгил, худди яхши ёнаётган гулханнынг тутуни каби оппоқ, юпқа туман тарқади, дала нурга чўмилиб, гўзаллашиб кетди.

Орқадан, боғлар ичидан кулги эшитилди.

— Келишайпти!— деди Карима орқасига қараб.

Бригадир Расул ака блан Замира опа келарди. Броқ Марат уни олдин танимай қолди, Замира опа сочларини бoshiга чамбарак қилиб ўраб, оқ шойи рўмол блан

боглаб олганди. У одатлагидан кўра новча, кучли ва чиройли бўлиб кўринарди.

Бригадир жой ажратди. Марат Карима блан Уктамнинг ёнидаги эгати олди. Терим бошланди.

Кечаси пахтазорга тушган шудринг ҳали қуримаган. Ғўза баргларида марварид каби тоза, йирик томчилар товланиб ялтирайди. Чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталар шундай бўлиқ ва юмшоқки, кишининг ҳаваси келади.

Маратнинг теришини бирпас тамоша қилиб турган Карима тўсатдан:

— Марат, мен блан мусобақа ўйнайсанми?— деб сўраб қолди.

Марат бўйи барабар келадиган бир туп ғўзанинг пастки чаноқларидаги пахтани чаққон термоқда эди.

— Сен бланми?— Марат бирпас тараддулланиб турди-да, кейин қўлини кескин силкитди:— Бўпти! Ўйнайман!

Марат блан Карима биринчи ётакни барабар тўлдирдилар. Броқ Маратнинг эгатида ғўза сийракроқ эди, шунинг учун у ярим соатдан кейин Каримадан ўза бошлади. Пионерлардан хабардор бўлиб, йўл-йўлакай пахта териб юрган Замира опа унинг олдига ҳам келди. Анча жойгача Марат блан гаплашиб борди. Кейин Уктамнинг ёнига кетаркан, бошқалар эшитмасин дегандек секин сўради:

— Кечқурунги гапларни унутмадингми?

— Йўқ, Замира опа...— деди Марат. — Агар Каримадан ўзолмасам!.. — ўйлади у.— Ва'дани бажармаслик — уят.

Шу гапдан кейин пахтадан бошқа ҳамма нарсани унутгандай бўлди.

Пионерлар тушки овқатга колхозчилардан бир соат олдин чиқдилар. Марат ҳаммадан кейин чиқди. Шунинг учун унинг пахтаси Кариманикидан икки кило кўп чиқди. Тушдан кейин ҳам олдинроқ ишга тушаман!— ўйлади Марат.

Овқатдан кейин Карима унга шахмат ўйнашни таклиф қилди. Марат „хўп“, деб ўйинга энди киришган ҳам эди, шийпоннинг орқасидан: „Балиқ!“ „Балиқ!“— деган овозлар келди.

— Борма!— деди Карима.

Броқ шод қичқириқлар, кулган овозлар кучайиб кетди ва Марат ўзини тўхтатаолмасдан ўша томонга отилди.

Шийпоннинг нарёғидаги, четларида қалин қамиш ўсган чуқур ариқ болаларга тўлган эди, ҳамма қамиш орасига кириб, қўли блан балиқ тутмоқда. Буни кўрган Марат мусобақани ҳам унутиб, ечинмасданоқ ўзини сувга ташлади. Натижада у далага кейинроқ чиқди.

...Кундузги ҳарорат кечки салқин блан алмашди. Қуёш узоқдаги боғлар устига энгкайди. Ғуза барглари салқин шабада силаб ўтди. Чап қўлдаги сойликдан қўзиларнинг ёқимли ма'раши эшитилди. Кетишга сигнал берилди. Пионерларнинг кўпчилиги терган пахталарини топшириб ҳам бўлдилар. Ана, Карима блан Ўктам ҳам кўринди.

Ўктам пахтасини топшириб бўлгач худди катталар каби пешона терини сидириб ташлади, атрофдан „қанча“ деб берилаётган саволга, мағрурлик блан жавоб берди:

— Ўттиз беш килограмм!

— Болалар, Ўктам ўттиз беш кило терипти!

— Ўттиз беш кило!

— Карима, сен қанча тердинг?

— Қирқ,— деди Карима ва худди Ўктамдан ўзгани учун уялгандай тўсатдан қизариб кетди.— Марат қани? Топширдими?— сўради у. Кариманинг овозида қандайдир безовталиқ эшитиларди.

— Йўқ, ҳали топширгани йўқ.

— Балки яна қочгандир...— деди кимдир кулиб.

Карима жаҳл блан унинг сўзларини кесди:

— Йўқ! У ҳали далада!..

Ўктам блан Собир пахтазорга қараб югуришди.

Бирпасдан кейин улар кулиша-кулиша Маратнинг терган пахтасини кўтариб келдилар. Марат фақат тушдан кейинги вақтнинг ўзидаёқ икки этак пахта терган эди!

Беш минутдан кейин Замира қилинган ишнинг якуини эшитдирди.

— Ўртоқлар, биринчиликни Карима Содиқованинг звеноси олди. Звенодаги пионерларнинг ҳаммаси яхши ишлади. Айниқса Марат, Карима, Ўктам. Энди пионерлар ўртасидаги мусобақада бўлса...— Замира Маратга қараб илжайди — биринчиликни Марат Не'матов олди. У — қирқ уч кило пахта терди!..

Болалар қарсак чалиб юборишди. Марат ўзини йўқотиб қўйди. У худди гуноҳкор одамдек дўстларига жовдираб қарар ва уларнинг қўлини қаттиқ сиқарди.

Пионерлар уйларига қайтабошлашди.

Марат Ўктам блан Кариманинг ўртасида секин борарди. У чарчаган, лекин шод; қора кўзлари ялтирар, юзида, лабида табассум ўйнарди.

— Марат, — деди Ўктам негадир унинг кўзларига қарамасдан, — мен... ёдингдами, тунов кун сени кўрдим-у, саломлашмадим. Мен-чи, Марат, ўртамиздаги дўстликни ўзиш учун эмас, фақат сендан хафа бўлганимни кўрсатиш учун саломлашмагандим... Тушундингми?

Марат Ўктамнинг қўлини ушлаб қаттиқ сиқди.

— Тушунмасдан-чи! — деди у. — Сенинг ўрнингда бўлсам мен ҳам шундай қилардим.





## ИМТИҲОН

Эркин ойиси бир-икки марта уйғотса ҳам уйқусини қизганиб, индамасдан ётаверди-ю, тўсатдан синфдоши Раисанинг овозини эшитиб, шошиб ўрнидан турди.

— Вой, Эркин, имтиҳон вақтида ҳам шунча ухлайсанми, уялмайсанми? Менинг турганимга анча бўлди. Боққа чиқиб, яхши тушунмаган саволларимни ўқиб, тушуниб олдим, — деди Раиса. Тўсатдан у ниманидир вслади, юмалоқ, лўппи юзи қандайдир ички шодликдан ёришиб кетди.

— Гулдастани қачон тўплаймиз?.. Сенинг яхши тушунмаган жойинг йўқми? Ҳаммасини биласанми?

— Фақат фе'л қолган, — деди Эркин ва қўлини беларво силкитиб, қўшимча қилди:— барибир у менга чиқмайди!

Эркин шунини бекор айтганини сезиб қолиб, лабини қаттиқ тишлади, нега десангиз, Раиса жуда чатоқ қиз. У Эркиннинг сўзига қулоқ ҳам солмасдан дарров бидирлаб кетди:

— Қандай савол чиқишини қаёқдан биласан. Ундан кейин... Ундан кейин, уялмайсанми? — деди Раиса, — Мар'ям опамнинг сўзларини унутибсан-да? Мар'ям опам... Мар'ям опам ҳаммасини билиш керак деганмидилар?.. Йўқ-йўқ. Гулдастани мен ўзим тўплайман. Сенга ҳам тўплаб келаман. Сен унгача тайёрланиб тургин! Хўпми?

— Майли, — деди Эркин қовоғини солиб.

Раиса китобини Эркинга бериб, боғнинг ичкарасига атир гуллар очилиб ётган жойга қараб кетди.

„Ростдан ҳам, фе'лдан савол тушиб қолса нима қиламан?“ — ўйлади Эркин. У ўрнидан туриб, тез-тез ювинди-да, чин кўнгилдан ўқимоқчи бўлиб, боққа чиқди.

Боғ уйғониб, кечаси блан сайраб чиққан булбул эндигина тинчиган эди. Ҳозир чумчуқлар чуғурлар, ёввойи каптарлар ғур-ғур қилар, ҳатто ба'зида узоқдан беданаларнинг „питпилдиқ — питпилдиқ“ деб сайраши ҳам эшитилиб қоларди.

Эркин гилосзор орасига кириб, уйдан олиб чиққан гиламчасини ёзди-да, ётиб ўқимоқчи бўлди. Лекин кўзлари гоҳ қипқизил гилосларни чўқиб, ерга тўкаётган чумчуқларга тушар, гоҳ тепасидан учиб ўтаётган ёввойи каптарни кўрарди. Ундан ташқари, ба'зи нарсаларни тушуниш қийин эди.

— Эҳ, нега консультация вақтида диққат блан эшитамадим! — афсусланиб ўйлади Эркин. У яхши тушуниб оламан деса, ҳаммасини ўқиб чиқолмаслигини сезиб, қондаларини ёдлайбошлади... Анчадан кейин Раиса иккита гулдаста кўтариб келганда Эркин буйруқ фе'лини ўқимоқда эди.

— Ўқиб чиқдингми? Ҳаммасини тушундингми?

Гулдастани кўрган Эркин: „фақат қўшма фе'ллар блан ҳаракат номи қолди, бошқа бировга чиқар“... деб ўйлади:

— Ўқиб бўлдим. Тушундим. Менга қайси бировини берасан, — деди у.

— Хоҳлаганингни олақол, — деди Раиса. У ҳарбири пиёладек келадиган оқ ва қизил гуллардан тўпланган катта чиройли гулдастани Эркинга чўзди.

— Югурамизми? — деди Эркин чиройли гулларни қўлига олиб ҳидлар экан. — Бўлмаса кечикамиз.

— Бўпти! — деди Раиса ва бирдан қаттиқ кулганича қушдек учиб кетди. — Етиб ол!

Улар ҳансираб, юзлари атир гулдек қизариб мактабга етиб борганларида имтиҳон бошланишига беш минут қолган эди. Ҳаяжонланган болалар ўқитучини кутиб, эшикда турардилар.

Имтиҳон бўладиган синф гуллар блан шундай безалган эдики, Раисанинг ҳаваси келди. Гулдасталарни бир жойдан-иккинчи жойга кўчириб, синфда югуриб юрган Карима:

— Эркинжон, гулдастанг жуда чиройли экан! Буёққа берчи! — деб қичқирди.

— Келишаяпти! — деди кимдир.

Болалар жой-жойларига ўтирдилар. Синф бирдан жим бўлиб қолди. Юраклар „дук-дук“ урабошлади.

Синфга Мар'ям опа блан ассистент Пўлатов кирди.

Мар'ям опа оқ шойи кўйлак кийиб олган эди, унинг қора кўзлари болаларникидек шод чақнарди:

— Салом, ўртоқлар!

— Салом, Мар'ям опа! — болаларнинг овози қаттиқ ва хушчақчақ жаранглади, Пўлатов кулиб қўйди.

Мар'ям опа қўлидаги кўк конвертдан бир тўп билет чиқариб, стол устига ёзди. Кейин имтиҳон тартибини тушунтириб, ҳаяжонланмаслик, шошмаслик кераклигини айтди.

Ўқитучининг очиқ чеҳра блан, мулоим кулимсираб гапирнши болаларнинг кўнглини қандайдир тинчлатирди. Юракларнинг „шувиллаши“ пасайди.

— Биринчи навбатда ҳоҳлаган уч киши чиқади. Қолганларни рўйхат бўйича чақираман... Қани, жим чиқади?



А'лочилардан Раиса блан Карима, кейин Собиржон турди. Раиса жуда яхши тайёрланган бўлса ҳам, столга яқинлашганда, юраги „дук-дук“ урабошлади. Брок, билетни олиб саволларга кўз ташлагач: „Мунча қўрқмасам!“ деб секин кулиб қўйди; у билетдаги саволларнинг ҳаммасини яхши биларди. Шунинг учун ҳам яхши жавоб берди, лекин Мар'ям опа „баракалла“ деб „5“ қўйганда, негадир уялиб ерга қаради. Кейин севинганидан қизариб кетган юзини ўнг қўли блан тўсганича, бориб Эркиннинг ёнига ўтирди.

— Ҳеч қўрқма. Саволлар шундай ўнғай, шундай ўнғайки!..

— Ҳечким қўрқаётгани йўқ, — деди секин Эркин, лекин ростини айтганда у негадир қўрқабошлаган эди. Мар'ям опа Эркинни чақирди.

Кўк мовут ёпилган стол. Билетлар столнинг устида қатор тизилиб ётипти. Эҳ! Қани энди Эркиннинг кўзлари шундай ўткир бўлса-ю, билетларнинг номерини шу туришда кўраолса. Ўзи яхши биладиган битта билетни шартта оларди-да, жавобини қойил қиларди!..

Эркиннинг кўзлари билетдан-билетга сакраб жовдираб қолди. Ҳув нариги четда битта билет ётибди. Шу билет яхши бўлса керак. Эркин уни олиш учун қўлини чўзди-ю, бирдан у билмаган саволлар худди шу билетга ёзилгандек, қўлини тортиб, бошқа бир билетни олди: биринчи савол яхши! Иккинчи савол...

Тўсатдан Эркиннинг юзи оқариб кетди. Иккинчи савол худди ўша Эркин ўқимаган қўшма фе'ллар ҳақида, уларнинг тузилиши ва ёзилиши ҳақида эди.

Эркин шунчалик шошиб қолдики, синфда эканини унутиб:

— Эҳ! Нега ҳалиги билетни олақолмадим? — деб юборганини сезмай қолди.

Синфда пиқ-пиқ кулги вшитилди. Қизариб кетган Раиса ўрнидан бир туриб яна ўтирди.

— Нечанчи билет? Қайси саволни билмайсан? — безовталаниб сўради Мар'ям опа.

Кулгидан кейин дарров ўзига келган Эркин:

— Иккинчи савол... Яхши билмайман, — деди дудуқ-ланиб.

— Ўтириб шошмасдан ўйлаб кўргин, — деди Мар'ям опа.

Эркин жуда ҳаяжонланган эди. Балки шунинг учун-дир, қанча ўйламасин, иккинчи саволга жавоб тополмади... Ўзи билган саволига жавоб бериб бўлгунча ҳам терлаб кетди.

— Қўшимча саволингиз бордир, ўртоқ Пўлатов? — деди Мар'ям опа.

— Бор... — Пўлатов пешонасини салгина тириштириб бирпас ўйланди. Броқ бу вақт Эркинга жуда узоқ бўлиб кўринди. У кўзларини жовдиратиб Пўлатовга қараб қолди.

— Хўш, — деди Пўлатов, — фе'лни билмадингиз... Қани эди... Ҳаракат номини айтиб беринг-чи, Эркин-жон?...

... Агар ўша кунгидек булутсиз мусаффо осмонда бирдан момақалдироқ гуриллаб, чақмоқ чақнаганда ҳам, Эркин бунчалик таажжубланмаган бўларди!

Синфга чуқур жимлик чўкди. Ҳамманинг кўзи ҳайрон бўлганидан оғзи очилиб қолган Эркинда эди. Бир минут утди. Болалар безовталаниб бир-бирларига қараб қўйдилар. Кимдир афсусланиб:

— Эҳ! — деб қўйди.

Қизарабошлаган Мар'ям опа:

— Нега индамайсан? Билмасанг тўғрисини айтгинда! — деди секин.

— Мен фақат... қўшма фе'л блан ҳаракат номини ўқимаган эдим, чин сўзим... Эркин жовдираган кўзларини боққа тикди. Мен... қўшма фе'л менга чиқмас деб ўйлагандим...

Бу сафар шўх кулки Эркиннинг сўзини босиб, синфни

жаранглатиб юборди. Фақат Мар'ям опагина кулмади. У столдаги билетга тикилганича жим ўтирарди. Эркин ва, уятдан ёнган юини тескари ўгириб, кўйлагининг тугмасини уйнаганича индамасдан турарди. У Мар'ям опанинг тезроқ уришиб, тезроқ ўтиришга рухсат беришини истар эди. Броқ Мар'ям опа уришмади. Урндан туриб Эркиннинг ёнига келди, секин, лекин ҳамма эшитадиган қилиб сўради:

— Қандай хато қилганингга энди тушунгандирсан-а, Эркин?

Эркин чуқур нафас олди ва қуйи эгилган бошини сал кўтариб аранг:

— Тушундим, — деди.





## МУСТАҚИЛЛИК

Собиржон дарсдан сўнг, одатдагидек, радио тўғараги ўтказиладиган кабинетга қараб бурилди. Бугун тўғарак машғулоти бўлмаса ҳам, Собиржон бироз ўтириб, радио эшитмоқчи эди. У деярлик ҳар куни шундан қилар, тўғарак машғулоти бўлмаган кунлари ҳам кабинетга кириб радио эшитар, ёки бир соат-ярим соат бошқа бир нарса блан шуғулланиб ўтирар эди.

Собиржон кабинетга кириб приёмникни эндигина қўйган эди, дераза тақиллаб қолди. У чопиб ташқарига чиқди: ҳовлида физика ўқитучиси Жалолов блан етти-саккиз ёшлар чамасидаги бир қиз турар эди.

— Бу қизчани танийсанми, Собиржон? — деди ўқитучи.

Қизча катта-катта кўзларини Собиржондан узмасдан индамай турарди.

Собиржон бош чайқади:

— Йўқ.

— Қурбон аканинг қизи бўлади, — деди Жалолов, — Исминг нима эди, қизим?

— Қумри... Қумрихон, — деди қизча.

— Ҳозир Қумрихон блан уларникига борасан.. Қурбон ака радиоприёмник сотиб олипти, шуни гапиртириб, Қумрихонга яхши ашула айтиб берадиган қилиб келасан... Хўпми, Собиржон?

Қумрихон ялт этиб ўқитучига қаради:

— Дадам айтдилар... Сизни ўзлари келсин, дедилар.

— Кейин қиз яна Собиржонга қаради, лабини бурди. —

Бу бола тағин... бузиб қўйса-я?! — деди у.

Жалолов илжайди. Собиржон уялиб ерга қаради.

— Даданга ўқитучининг зарур ишлари бор экан, дегин, хўпми? — Жалолов ўзини кулгидан тутолмади, — нега лабингни бурасан, Қумрихон? Айтдимку, бузмайди деб!

— Бўлмаса мен приёмникни ўчириб чиқай, — деди Собиржон.

— Тезроқ бўлақол, — деди ўқитучи. У ҳазиллашиб Қумрихоннинг бурнидан чимчилаб қўйди-да, кулимсираганича идорага қараб кетди. Собиржон дарров приёмникни ўчириб чиқди.

„Ие, Қумрихон қани?“ — деди у атрофига қараб, ҳовлида Қумрихон йўқ эди. Собиржон унинг нима учун кетиб қолганини дарров тушунди: „Приёмникни бузиб қўяди“ деб қочиб кетган, албатта!

Собиржон бориш-бормаслигини билмай бирпас ўйланиб турди. Хаёлидан: „Чиндан ҳам бузиб қўйсам-а“ деган фикр ўтди. Лекин шу заҳотиёқ у ўз-ўзидан кулиб қўйди.

Нега бузиб қўяркан? Ахир у колхозчиларнинг приёмникларини қуриб беришда Жалоловга ёрдамлашган-ку! Ҳатто кейинги вақтларда унинг ўзи қуриб, Жалолов фақат назорат қилиб турар эди. Энди нимадан қўрқадди?.. Жалолов ҳам унга ишонгани учун юбораётипти-да ахир!..\*

— Бораман, радиони билишлигини исбот қиламан! — тўсатдан деди Собиржон негадир муштгани қисиб.

Лекин... тўхта: у қайси Қурбон ака экан? Клубнинг орқасида турадиган Қурбон акамикан-а? Ўша бўлса унинг 8-нчи „Б“ да ўқийдиган Жалил деган ўғли бор-жу. Собиржон уни қанча марта кружокка таклиф қилса ҳам, Жалил қатнашмаган эди. Энди пушаймон қилаётгандир... Брок, ҳали уми, у эмасми?

Собиржон олдин Жалилларникига бормоқчи бўлди, чунки уларнинг уйи бошқа Қурбон акаларникидан яқинроқ эди.

Соат тўртдан озгина ўтган. Кўмкўк тиниқ осмонда ҳозиргина ердаги боғларга, дарахтларга, даладаги кўкатларга сув сепиб бўлган сийрак оқ булутлар энди ўз ишларидан хурсанд бўлиб, қуёшга эркаланиб, сайр этиб юрардилар. Кўмкўк майин майсалар ҳўл бўлиб, яна ҳам яшилроқ кўринар эди.

Собиржон кўчага чиққач, кўкрагини тўлдириб нафас олди. Кўзларини юмган ҳолда қуёшнинг илиқ нурига юзини тутиб илжайди. Бироз юргач, негадир яна Қумрини эслади.

„Сен шошмай тур!“ — илжайиб деди Собиржон. У кўз олдига приёмникни қуриб бўлган пайтини келтирабошлади.

Ҳамма нарса тайёр.

— Ҳозир Тошкент гапиради, — дейди Собиржон.

Қурбон ака мўйловини силаб (у ўсиқ қора мўйловли одам), яқинроқ келади, Қумрихон шодлигидан кулиб юбормаслик учун оғзини кафти блан босиб, қулоғини приёмникка тутаяди. Жалил эса четроқда ҳўмрайиб туради, нега десангиз, унинг Собиржонга ҳасади келади...

Собиржон включательни бурайди. Кичкина лампочка ярқ этиб чўғдек қизаради, приёмник „жизз“ этган овоз чиқаради, кейин ёқимли музика янграйди, ёки дикторнинг баланд овози эшитилади: „радиоэштучи ўртоқлар!...“

Бирдан Собиржон елкасига кимнингдир туртганини

сезди-да, чўчиб бурилди. Олдида оқ тишларини ялтиратиб синфдоши узун буйли Тўлқин турарди.

— Қаёққа кетаяпсан? Чақирсам қарамайсан-а? — деди Тўлқин.

— Қурбон ака приёмник сотиб олган эмиш, юр қуриб берамиз! — деди Собиржон.

Тўлқин пешонасини тириштириб, нима ҳақдадир ўйлади, кейин қўлини силкиб:

— Ишим бор эди-ю, майли... радио қурадиган бўлсак, юр! — деди.

Улар тўғри клубнинг ҳовлисидан ўтиб, Қумрихонларнинг боғига кирган эдилар, Қурбон аканинг ўзига учрадилар.

Қурбон ака олма гулидек олпоқ кўйлак кийиб, кетмон блан ёш новдаларнинг тагини бўшатмоқда эди. Қумрихон ҳам шу ерда экан. У қўлларини тез-тез ҳаракат қилдириб, нима тўғрисидадир бидирлаб гапирмоқда эди.

Собиржонларни кўрган ҳамон Қумрихон худди бир нарсадан қўрққандек, қочиб дадасининг орқасига ўтди, кейин чўзилиб қарар экан:

— Ҳу анави кичкина бола! — деди Собиржонни кўрсатиб, — ҳали акам айтдилар, билмай бузиб қўяди, дедилар!..

Қурбон ака Собиржоннинг уялиб қолганини сезди шекилли, мўйлаби остидан кулимсираб кетмонини четга қўйиб саломлашди.

— Ҳуш, радиони ким гапиртирмоқчи? — деди у бир Собиржонга, бир Тўлқинга қараб.

— М-мен, — деди Собиржон, уялганидан сал дудуқланиб.

Қумрихон дадасининг орқасидан қийшайиб қаради-ю, яна дарров беркинди.

— Жуда соз, қани азаматлар, уйга киринглар... Ҳай, Қумри, елкамни мушукдек тирнайвермагин, қизим.

Даласининг сўзларидан уялиб кетган Қумрихон чоп-қиллаб уйга кириб кетди.

Уй боғнинг ўртасида, оппоқ гуллаган олма дарахтлари орасида эди. Собиржон дарров „Антеннани шу уйнинг томига ўрнатамиз. Иккита узунроқ хода топиш керак“, — деб кўнглидан ўтказди.

Союзпосилторгдан келган яшиклар ҳали айвонда турарди. Уларнинг қопқоғи ҳали очилмаган эди. Айвонда яшикларга тикилиб Жалил ўтирарди. Қурбон ака ўғлига:

— Мана, ўртоқларинг сенга радио қуриб бермоқчи бўлиб келишди,— деди.

Жалил худди ёқтирмагандек Собиржонлар билан ҳўмрайиб кўришди.

— Яшикларни очаверасизми, Собиржон? — деди Қурбон ака, тўсатдан „сиз“га ўтиб.

— Болға борми?

Жалил чопиб кириб уйдан болға олиб чиқди.

Собиржон яшикларни энди очабошлаган эди, деразадан қараб турган Қумрихон:

— Бувижон, айтинг, тегмасин! — деди йиғламсираб, — бузиб қўйса нима қиламиз? Яна ашуласиз қоларканмиз-да!...

Уйга кириб кетган Қурбон ака Собиржонни чақириб қолди. Собиржон болғани Тўлқинга бериб, ичкари кирди.

Уйнинг тўрида кўзойнак таққан олтмиш ёшлар чамасидаги бир кампир нимадир тикиб ўтирарди.

Қумрихон бувисининг орқасида, унинг бўйнидан кучоқлаб турарди.

„Нега бу қиз менга бундай қарайди-я“ — уйлади Собиржон. У эшикда тўхтаган эди, кампир:

— Яқинроқ кел, айланай,— деди мулойим овоз билан.

Қурбон ака унғайсизланиб йўталиб қўйди:

— Булар сени радиони бузиб қўярмикан, деб қўрқишаяпти,— деди у гуноҳкор илжайиб.



— Бекорга бузилаверадими?— кулиб деди Собиржон.

— Ҳой, болам, унақа демагин,— деди кампир кўз-ойнагини қўлига олиб.— Ахир уни Тошкентнинг узидан олдирдик, ҳа!

— Бузилмайди, дедим-ку, бувижон!

Кампир шубҳаланиб бошини чайқали:

— Қайдам, айланай болам, ўзинг менинг Жалилимдан ҳам ёш экансан...

— Унчалик бўлса, қўймайман!— сал аччиғланиб деди Собиржон,— менга қайта яхши!

— Йўқ, йўқ, унақа деманг, Собиржон,— кулиб деди Қурбон ака,— булар шунчаки қўрқишяпти-да!..

Бувисининг бўйнини қучоқлаб индамай турган Қумрихон тўсатдан:

— Агар... агар бузиб қўйсангиз нақ кўрасиз!— деди кичкина муштини кўрсатиб.

Бирдан Собиржоннинг ҳам жаҳли чиқиб:

— Агар мен уни ҳозир гапиртирмасам юрган эканман!— деди-да, тез бурилиб уйдан чиқиб кетди.

Тўлқин яшиқларни очиб, „Родина“ блан унинг батареяларини чиқариб қўйган эди.

— Ҳаммаси жойидами?— деди Собиржон,— антенна блан ерга улайдиган симлар борми? Изоляторлар-чи?

— Борга ўхшайди. Мана, кўр.

— Жуда соз,— деди Собиржон. Кейин Жалилга букюрди:

— Узунроқ иккита ёғоч керак... Борми?.. Йўқ бўлса нима қилиб ўтирибсан? Бор, топиб кел! Тезроқ!— Собиржоннинг овози шундай кескин жарангладики, Жалил ўрнидан сакраб туриб, югуриб кетди. Собиржон қилинадиган ишларни дарров тақсим қилди: Тўлқин ёғочларни томга қоқиб, антенна ўтказадиган, Жалил деразанинг олдидан чуқур қазиб, ерга улайдиган жой қиладиган бўлди. Собиржоннинг ўзи эса, Қурбон ака блан бирга радиони уйга олиб кириб, батарея блан приёмникнинг зарядларини улайбошлади.

Кампир тикаётган нарсасини четга қўйиб, столнинг олдига келди. Қумрихон эса таажжуб блан кўзларини Собиржондан узмасдан четроқда жим турарди.

Батареяларни улаштириб бўлгач, Собиржон югуриб ташқарига чиқиб кетди.

— Бу бола бир нарсани биладиганга ўхшайди,— деди кампир.

— Вой, ҳозир бирдан гапириб қолса-я!— деди Қумрихон, приёмникни силаб.

Тўлқин антеннани томга ўрнатиб бўлган бўлса ҳам, чамандек очилган боғлардан кўзларини узолмасдан олманинг тепасида ўтирар эди.

У ўтирган жойдан атрофдаги боғлар кўринар эди. Майда оқ гулларга ўралиб олган дарахтлар катта маймоқ оқ булутни эслатар эди... Ба'зи ўриклар нафис пуштиранг гулларга бурканган, улар ботаётган қуёшнинг сўнгги нурларида чўмилаётган пуштиранг булутга ўхшаб кетарди. Ҳарер-ҳарерда, оқ ва пуштиранг гулларга ўралган олма ва ўриклар орасида ямяшил бўлиб мажнун толлар ўсар, улар боғларга қандайдир зеб берарди. Қуёшнинг илиқ нурлари гулларда, майсаларда туриб қолган йирик томчилар блан ўпишиб, ўйнарди, ҳаво бу ерда яна ҳам мусаффо туюларди.

— Ҳей Тўлқин, нима қилиб ўтирибсан? Бўлдингми?— ҳайрон бўлиб сўради Собиржон.

— Буёққа чиқ!— деди Тўлқин.

— Нима қиламан?

— Атрофни бир тамоша қиласан, боғлар шундай гуллаптики!

— Э-э...сени қара-ю? Радиони гапиртирмасдан туриб қанақа тамоша?— аччиғланиб деди Собиржон,— тезроқ туш!

Жалил ҳам чуқурни қазиб бўлган эди. У приёмникни қуриш ишига қатнашаётгани учун жуда шод бўлса керак, Собиржон „сув олиб кел“ деган-да:— „Есть, ўртоқ командир,“— деб жавоб берди.

Собиржон симнинг иккинчи учини чуқурга кўмди. Кейин устидан бир челақ сув қўйди.

Ҳамма нарса тайёр эди.

— Ҳозир гапиртираман, — деди Собиржон.

Ҳамма столи ўраб олди. Қумрихон нафас олмасдан, кўзларини катта очиб, қотиб қолди.

Собиржон приёмникка антенна блан ерга кўмилган симни улаб бўлгач, сал ҳаяжонланиб қўлини включательга чўзди...

Уйга дарров чуқур сукут чўкди.

— Бир, икки, уч! — деди Тўлқин.

Собиржон включательни буради. Бир секунд унга бир йилдек бўлиб кўринди. Лекин орадан яна уч-тўрт секунд ўтди. Таажжуб: лампочка ёнмас эди!

Собиржоннинг юраги орзиқиб кетди. У кўзлари тагидан секин Тўлқинга қаради. Унинг кўзларидаги тағрадудни пайқаб қолган Қумрихон тўсатдан:

— Вой, бувижон, бузиб қўйипти! — деб юборди.

Кампир ҳам:

— Айтмабмидим? — деб гап бошлаган эди, Қурбон ака:

— Шошмай туринг, ойижон, олдин яхшилаб кўрсин — аҳтимол бир симини янглиш улаб қўйгандир, — деб Собиржонга тасалли берди.

— Нимада ҳам янглишардим? — ўйлади Собиржон.

— Тўғри, бир жойда янглишгансан, бўлмасамчи? — деди Тўлқин. — Ҳай қиз, сен кўп бақираберма! Собиржонни билмайди, деб ўйлайсанми, бекордан-бекорга бузилаберадими?! Балки приёмникнинг ўзи бузуқдир?

— Қўй, унақа дема, — деди кампир Тўлқинга қовоғини солиб қараб, — янги радил ҳам бузуқ бўладими?

Собиржон нима қилишини билмасдан бирпас уйлашиб турди.

„Наҳотки батарея блан приёмникнинг зарядларини улашда янглишган бўлсам?“ — деб ўйлади у.

—  
Маня: БАС-70 батареялари. Уларнинг плюс ва минус зарядлари уланган. Демак, тўғри. Приёмникнинг плюс заряди, батареяларнинг плюс зарядига, минус заряди минус зарядига уланган. Собиржоннинг юрак уриши тезлашиб кетди. У чўнтагидан рўмолча олиб, пешонасидаги совуқ терларни артди, шундан кейин батареялар блан приёмник зарядларининг уланишини кўзлан кечирабошлади... Мана, приёмникнинг плюс заряди-ю, батареянинг... Тўхта, бу қанақаси? Батареянинг минус заряди блан приёмникнинг плюс заряди уланиб қўйилиптику?!

Собиржоннинг юзига қон югурди.

— Топдим!— Шодлигини яшираолмасдан қичқирди у. Кумрихон ҳам:

— Вой, топди, буви, топди!— деб қарсак чалиб юборди.

Бир минут ўтмасданоқ кичкина лампочка „лип“ этиб, чўғдек қизарди, яна жим бўлиб қолган уйда ёқимли музика овози янгради.

Кумрихон ўзида йўқ севиниб, ўйинга тушиб кетди, кейин уялиб бувисининг орқасига бекинди.

Бироздан сўнг музика тугаб, диктор эртак айтабошлаган эди, Кумрихон:

— Бувижон, қаранг: „радио эртакни сиздан ҳам яхши айтаркан!“— деди севиниб.

Ҳаммалари кулишди.

Кампир эса:

— Шошмай тур, энди сенга ҳеч эртак айтиб бермаганим булсин!— деди аразлагандай.

— Айтмасангиз айтмай қўяқолинг! Энди ҳар куни радио айтиб беради!— деди Кумрихон.

Собиржон кетишга рухсат сўради.

— Шунақами!— деди Қурбон ака.— Ҳўп булмаса, катта раҳмат, азаматлар!

Дадасининг қўлидан ушлаганича катта қора кўзлари блан Собиржонга тикилиб қолган Кумрихон тўсатдан

негадир қизариб кетди, қочиб дадасининг орқасига яширинди, кейин:

— Мендан ҳам раҳмат, Собиржон ака!— деди уялиб.

Кампир эса столнинг тортмасидан бир ҳовуч ёнғоқ, ўрик ва қоғозлик конфет олиб, айланиб-ўргилиб Собиржон блан Тўлқинга узатди. Болаларнинг: „Йўқ, раҳмат“ дейишига қарамасдан, ҳад'ясини уларнинг чўнтагига солар экан, тўсатдан:

— Ҳай, Жалил, нега булар радилни гапиртирабилди ю, сен билмайсан? Ёки булар бўлакча ўқишдами?— деб сўраб қолди.

Жалил нима дейишини билмасдан, юзини тескари бурди.

— Энди Жалил ҳам билиб олади,— деди Собиржон.

— Барака топ, болам, ўсиб унгин,— деди кампир ва Собиржоннинг пешонасидан ўпиб, елкасини силаб қўйди.

Улар уйдан чиқаётиб, кампирнинг Жалилга нималарнидир гапирётганини эшитдилар.

Кампирнинг нима деганини билмадим-у, лекин шу кундан бошлаб Жалил радио тўгарагининг ишига актив қатнашадиган бўлди.



### М У Н Д А Р И Ж А

Дағлабқи қадам . . . . .	3
Каптар . . . . .	21
Гоголь тирик . . . . .	30
Ирола . . . . .	38
Дўстлар . . . . .	46
Иштихон . . . . .	54
Мустақиллик . . . . .	60



*Ўрта ва катта ёшдаги  
болалар учун*

*На узбекском языке*

Ахиль ЯКУБОВ

ПЕРВЫЕ ШАГИ

Госиздат УзССР — Ташкент — 1955

Редактор Р. Обидхужаев  
Техредактор Ф. Раҳматуллин  
Корректор У. Муҳамедова

---

Термиш берилди 16/Х 1954 й. Босишга рухсат этилди 24/Х1 1954 й. Формати 84×110<sub>1/2</sub> мм, 2,25 бос. а. 3,69 шартли бос. а. 11 шир. а. 3,26. Тиражи 3.000. РОЗ35%. Индекс 0/а. Ўзбекистон ССР Давлат Нашриёти, Тошкент, Полиграф кучаси, 74. Шартнома № 327/51.

---

«Қизма Ўзбекистон». «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сўри» бирлашган нашриёти ва босмаханаси, Ташкент. «Правда Востока» кучаси, уй № 34.  
Баҳоси 1 с.